

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**МОЛИЯ ЙЎНАЛИШИ**

**«БАҲОЛАШ ИШИ»**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й  
М А Ж М У А**

**Тошкент 2019**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** и.ф.д. профессори Шохазамий Ш.Ш.

**Тақризчи:** ТДИУ, и.ф.д. Алимардонов М.А. “Молия ва солиқлар” кафедраси профессори

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2019 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

<b>I. Ишчи дастур .....</b>	<b>4</b>
<b>II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.</b>	<b>11</b>
<b>III. Назарий материаллар.....</b>	<b>17</b>
<b>IV. Амалий машғулот материаллари.....</b>	<b>74</b>
<b>V. Кейслар банки.....</b>	<b>81</b>
<b>VI. Мустақил таълим мавзулари .....</b>	<b>87</b>
<b>VII. Глоссарий.....</b>	<b>90</b>
<b>VIII. Адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>93</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”нинг 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бандида “...таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”<sup>1</sup> вазифаси белгиланганлигидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти борасидаги билимларни такомиллаштириш, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши муаммоларини аниқлаш, уларни ўрганиш, таҳлил этиш ва баҳолаш, кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларига асосланган ҳолда, корхона ва ташкилотларда инновацион фаолият ҳолати, уни ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион ёндошувлар иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг амал қилиши муаммолари, тегишли чора-тадбирлар белгилаш борасидаги вазифалар баён этилган.

---

<sup>1</sup> 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-ИЛОВА.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришда баҳолаш сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида мулкни баҳолаш бўйича мутахассисларни тайёрлашда зарурат катта. Шунинг учун фаннинг ўрни баҳолаш иши бўйича олий малакали кадрларни тайёрлашда беқиёсдир.

- Фанни ўрганиш асосида талабаларда мулкни баҳолашни, яъни мулкни баҳолашда ёндошувларни қўллаш ҳамда жаҳон амалиётининг баҳолаш соҳадаги илғор ютуқларини таҳлил қилиш асосида унинг назарий билимлари ва амалий кўникмалари ҳосил қилинади.

- Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда мулкни баҳолаш фаолияти бўйича зарурий назарий билим, амалий кўникма ва малакани шакллантириш.

- Фаннинг вазифаси – талабаларга баҳолаш фаолиятини назарий-методологик асосларини ҳамда жаҳон тажрибасини Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида қўллашни ўргатишдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Баҳолаш иши” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- баҳолаш иши борасида мавжуд ҳолат ва юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш йўллари билиши борасида **билимларига эга бўлиши;**

#### **Тингловчи:**

- баҳолаш иши жараёнларини таҳлил қилиш, тенденцияларни баҳолаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- замонавий билимларни қўллаш орқали муаммолар ечимини топиш, уларни бартараф этиш ва қарорлар қабул қилиш борасида **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Баҳолаш иши” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий ҳужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

### Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш стратегиялари”, “Амалий эконометрика” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти муаммоларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш, баҳолаш ва ечимини топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустақил таълим
			жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Мулк қийматини баҳолаш фаолияти тушунчаси ва мазмуни	2	2		2		
2.	Баҳолаш фаолиятининг таъминот турлари	4	4	2	2		
3.	Мулк қийматини баҳолаш фаолиятидаги муносабатлар тизими	6	6	2	2	2	
4	Интеллектуал мулк ва номоддий активларни баҳолаш хусусиятлари	4	4		2	2	
	<b>Жами:</b>	<b>16</b>	<b>16</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>4</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни, инновацион жараён моделлари ва қонуниятлари.**

Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни. Ривожланишнинг инновацион типи. Юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Микро ва макроиқтисодий жараёнларда илғор ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш. Технопарк, техно полис, кам энергия талаб этадиган технологиялардан фойдаланиш сиёсати. Ишлаб чиқариш фаолиятини интеллектуалаштириш. Иқтисодиётни софтлаштириш ва сервислаштириш. Илмталаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

Инновацион тараққиётда инновацияларнинг чизикли модели. Фундаментал илмий ғоялар. Инновацияларнинг кўп сонли манбалар модели. Билимларга асосланган иқтисодиёт. Илмий салоҳият. Инновацион жараён моделларининг амал қилиш қонуниятлари. Давлатнинг илмий-техник сиёсати.

### **2-мавзу. Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳаракатланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш.**

Интеллектуал мулк ва капитал, унинг шаклланиши. Инсоннинг ақлий қобилияти. Фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш. Интелект омиллар. Интеллектуал мулк, унинг фарқланиши. Жаҳон Интеллектуал мулкчилик ташкилоти (ЖИМТ)ни таъсис этган Стокгольм конвенцияси.

Интеллектуал мулк ва капитал, унинг ҳуқуқий муҳофазаси. Интеллектуал мулк ва капитал ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш. Илмий ишланмалар бозори. Ихтиро. Кашфиёт.

Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси. Давлат органларининг инновация соҳасидаги асосий функциялари. Замонавий инновацион стратегиялар ва инновациялар маркетинги. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш борасида давлат сиёсати.

### **3-мавзу. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми. Инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларининг ўрни.**

Инновацион соҳада кадрларни шакллантириш. Инновацион бошқаришни замонавий тизимлаштириш. Инновацион тизимни демократлаштириш. Ижодий қобилиятни ривожлантириш. Инновацион соҳада кадрлар технологияси. Кадрларни захирасини шакллантириш стратегияси. Инновацион соҳада кадрлар захирасига қўйиладиган талаблар. Инновацион кўникма ҳосил этиш мезонлари.

Инновацияни шакллантиришда ахборот йиғиш услублари. Инновацияда ахборот майдони. Локал, корпоратив ва глобал ахборот тизимлари. Ахборот алмашинув тизими. Инновацион тизимда замонавий ахборот технологиялари.

Миллий ахборот тизими. Инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларининг ўрни.

Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими. Инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми.

#### **4-мавзу. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши.**

Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши. Инновация инфратузилмаси. Молиявий инфратузилма. Инновацион ривожланиш концепцияси. Инновацион муҳит.

Технологик изчиллик қонуниятлар. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари. Илмий тадқиқот институтлари. Ўзбекистонда фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар.

Ўзбекистонда инновацион тизимни уйғунлаштириш, мутаносибликни таъминлаш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштириш. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-амалий машғулот.**

##### **Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни, инновацион жараён моделлари ва қонуниятлари.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни.
2. Билимларга асосланган иқтисодиёт ва унинг хусусиятлари.
3. Инновацион жараён моделлари ва амал қилиш қонуниятлари.

**Калит сўзлар:** Инновацион ривожланиш. Билимларга асосланган иқтисодиёт. Инновацион жараён. Инновацион модел. Инновацион мойиллик. Янгиликка интилиш. Инновацион барқарорлик.

#### **2-амалий машғулот.**

##### **Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳаракатланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Интеллектуал мулк ва капиталнинг шаклланиши.
2. Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш.

#### **3-амалий машғулот.**

3. Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш борасида давлат сиёсати.

4. Замонавий инновацион стратегиялар ва инновациялар маркетинги.



**Калит сўзлар:** Интеллектуал мулк. Интеллектуал капитал. Интеллектуал ишланмалар. Интеллектуал бойликнинг ҳуқуқий муҳофазаси. Интеллектуал мулк ҳимояси. Интеллектуал мулкни бошқариш. ИТИларни тижоратлаштириш. Илмий кашфиётлар. Ихтиролар . Лицензиялаш .

#### **4-амалий машғулот.**

**Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми. Инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларининг ўрни.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларининг ўрни.

2. Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими.

#### **5-амалий машғулот.**

3. Инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

#### **6-амалий машғулот.**

4. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми.

**Калит сўзлар:** Инновацион фаолият. Инновациянинг ахборот – коммуникация технологиялари. Инновацион бошқарув. Инновацион стратегия. Инновацион лойиҳалар. Инновацион самарадорлик. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш.

#### **7-амалий машғулот.**

**Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши.

2. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари.

3. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.

**Калит сўзлар:** Миллий инновацион тизим. Инновацияга асосланган иқтисод. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулнинг назарий материални ўзлаштиришда қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- **давра суҳбатлари** (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- **бахс ва мунозаралар** (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли

аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- **Кенг қўламли суҳбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутати. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диққатларини қарата олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- **Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишдан сўнг, биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

- **Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш.** Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб етишга ёрдам беради.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

### Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

#### Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



### **Баҳс**

**Баҳс** – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

### **Анжуман-баҳсининг роли**

**Олиб борувчи** – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

**Оппонент** – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуктаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

**Мантиқчи** – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

**Психолог** – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

**Эксперт** – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

### «Ақлий ҳужум»

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгил.

• **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

• **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

• Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

### **Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар**




**Кластер**  
(Кластер – тутам, боғлаш)

Маълумот харитасини тузиш ва воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.

Кластерни тузиш қодалари билан танишади. Аудитория доскаси ёки катта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1-2 сўздан иборат тарзида

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томондан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизик билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин. Ёзувга ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотулмагунча давом эттирилади.



**Тоифали жадвал**

Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).


- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тоифали шархни тузиш қодалари билан танишилади. Ақлий ҳужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гуруҳларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ғоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин.

Ишнинг натижавий тақдими

## Венн диаграммаси



## SWOT-таҳлил жадвали

**SWOT** – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

**Strengths** – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


**Weakness** – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

**Opportunities** – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

**Threats** – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

## “Кучлар таҳлили” графиги



## «Кучлар таҳлили» графигини тузиш қондаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга ҳалақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлақларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## Кейс.

Амалий вазият. Инновацион тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳациз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўллари топасиз.



### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни, инновацион жараён моделлари ва қонуниятлари.

Режа:

**1.1. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни.**

**1.2. Билимларга асосланган иқтисодиёт ва унинг хусусиятлари.**

**1.3. Инновацион жараён моделлари ва амал қилиш қонуниятлари.**

**Таянч иборалар:** Инновацион ривожланиш. Билимларга асосланган иқтисодиёт. Инновацион жараён. Инновацион модел. Инновацион мойиллик. Янгиликка интилиш. Инновацион барқарорлик. Креативлик.

#### **1.1. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни**

Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмунини ўрганишдан олдин “инновация” ибораси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш зарур. Ушбу тушунча инглиз тилидан олинган бўлиб, “innovation”, яъни янгилик, янгилик киритиш деган маънони англатади. Мазкур тушунча илк бор XIX аср маданиятшунослари томонидан қўлланилган. Турли халқлар маданиятларининг бир бирига таъсири натижаси сифатида пайдо бўлган ўзгаришлар янгилик, яъни инновация, деб талқин қилинган. XX аср бошларидан эса ушбу ибора иқтисодчилар лексикасига кириб келди. Бунда олимлар ва мутахассислар инновацияларни айнан иқтисодиётда вақти вақти билан рўй берадиган инкирозлардан чиқишнинг муҳим воситаси сифатида ўргана бошладилар. Маълумки, иқтисодиётнинг инкироз оқибатларини енгиб ўтишга қодирлиги унинг инновационлик даражасини белгилаб беради.

Тан олинганки, инновация асосий омил сифатида иқтисодий ўсишни таъминлаш, атроф-муҳит ва ижтимоий жиҳатдан муаммоларни ҳал қилиш учун шарт-шароитлар яратишга ёрдам беради. Ривожланаётган мамлакатларда инновация бойлик ва иш ўринларини яратиш ҳамда иқтисодий ўсиш манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга, бу янгилик тадқиқот ва ривожлантириш (P & D) орқали ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда технологик янгиликларни бошқача бошқарилишини таъминлайди. Нотехнологик инновациялар янгилик ва мавжуд билимлардан фойдаланиши, бозорда янги қиймат яратиши расмий статистикада қайд этилмайди<sup>2</sup>.

Тараққиёт ва инновация. Охириги ярим асрлик вақт турли даражадаги мувафақиятга эришган тараққиётга нисбатан хар хил ёндашувларни кўрди. Камбағаллик ва тенгсизлик муаммолари ўсиб бораёпти ва камаймаяпти ва бу

---

<sup>2</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 3.

ва бошқа об ҳаво ўзгариши каби муаммоларнинг ечимини топиш жуда муҳим бўлиб турибди. Хали ҳам дунё тараққиёт хусусий манбалари сектори ва оммавий оқимга таъсир ўтказишда давом этаётган ва ҳамма жойда бўлган катта молиявий кризисдан азият чекиб келаяпти.

Ривожланган давлатлар ва ОЕСД бу муаммоларни ҳал қилаётган дамда бошқа мавзулар пайдо бўлапти. Булар ўз ичига ривожланган давлатларлар етакчилигида тараққиёт билан иш олиб боришда сиёсат изчиллиги, аёллар ва қизлар ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги ва соғлиқ каби асосий йўналишларнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти масалаларига эътиборни қаратишда ҳам қафолатларини бўлишган ҳолда шерикчилик қилишни олади. Бунга алоқадор мавзу инновация<sup>3</sup>.

Шу ўринда ўрганилаётган тушунчанинг Оксфорд изоҳли луғатида келтирилган талқинини ҳам эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унда «инновация» «товарни ишлаб чиқариш ёки сотиш, конструкциялашга бўлган янги ёндашув», деб изоҳланади. Инновацияларни қўллаш натижасида новатор ёки унинг компанияси рақобатчиларга нисбатан устунликка эга бўлади.

«Инновация» атамасининг замонавий талқини машҳур иқтисодчи олим Й. Шумпетер (J.A. Schumpeter)га тегишли. Унинг фикрича, инновация – бу янги материаллар ва компонентлардан фойдаланиш, янги жараёнларни жорий этиш, янги бозорларни очиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишга асосланган барча янги комбинацияларнинг янгидан қўшилиши ва тижоратлашувидан иборат бўлган ишлаб чиқариш функциясининг тубдан алмашинувидир.

Шу ўринда К.Шодиметовнинг “Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари” номли қўлланмасида келтирилган ушбу фикрлар ҳам эътиборли эканлигини таъкидлаш керак.

Инновация — бу моддий ишлаб чиқариш ёки сармоя концентрацияси эмас. Айрим тадқиқотчилар, жумладан, Э. Тоффлер, Ф. Фукуяма, Д. Белл, Ж. Нейсбит каби олимлар: «Айнан инновацион технологияларга таянган давлатгина юксак тараққиёт даражасига эришади», деган фикрни илгари суришади. Аслида ҳам шундай. Зеро, саноатлашган иқтисодиёт ўрнини аста-секин инновацион иқтисодиёт эгаллаши оддий ҳақиқатдир. Натижада, янгидан-янги бозорлар кашф этилади. Бинобарин, инновацион мақсадларни рўёбга чиқариш учун, хусусий инвестицияларга имтиёзлар бериш, замонавий банкларни шакллантириш, инновацияларни қафолатлаш ҳамда суғурталаш, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, йирик технологик лойиҳалар учун миллии ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш талаб қилинади. Бундан ташқари, бу борада, инновацион сиёсатни тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) ўз ҳисоботларида юқоридаги талабларга қатъий амал қилаётган 20 га яқин давлатда инновацион ривожланиш тобора

<sup>3</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 91

жадалашаётганини эътироф этади. Швейцария, АҚШ, Швеция, Буюк Британия, Голландия, Финляндия, Гонконг, Сингапур, Тайвань, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Дания ва Ирландия ана шулар сирасидандир<sup>4</sup>.

Инновация - янги маҳсулот ёки хизматни бозорга киритиш, янги ишлаб чиқариш жараёнларини тадбиқ этиш, маҳсулот ёки хизматлар, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари ёки фаолият турларини илгари суриш, янги бозорларни ташкил этиш ёки янги жараённинг жорий бозор ва мавжуд бозорларда катта улушини қўлга киритишга қаратилган сай-ҳаракатлардир<sup>5</sup>.

Ривожланишнинг инновацион типи (ингл. Innovation model of development) – ижтимоий ишлаб чиқаришда янги илғор технологияларга урғу бериш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, микро ва макроиқтисодий жараёнларда илғор ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш - технопарк, техно полис, кам энергия талаб этадиган технологиялардан фойдаланиш сиёсати, ишлаб чиқариш фаолиятини интеллектуалаштириш, иқтисодиётни софтлаштириш ва сервислаштириш билан тавсифланади.

Инновацион иқтисодиётда асосий эътибор юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш, илм талаб технологиялар ва инсон фаолиятининг турли соҳаларини инновацион ташкил этиш, иқтисодиётда инновацион тизимни шакллантириш, компьютер технологиялари ва телекоммуникация тизимларига қаратилади.

Ривожланишнинг инновацион типиди, асосий ишлаб чиқариш омили бўлган меҳнатни илм билан ўзаро уйғунлашуви, техник маҳоратнинг интеллектуал маҳоратга ўсиб ўтиши содир бўлади ва бу жамиятнинг иқтисодий асосини белгилаб беради. Бундай жамиятни тасвирлашда илмий адабиётларда “информацион жамият”, “илмлар жамияти” “информацион иқтисодиёт”, “интеллектуал иқтисодиёт” каби иборалардан фойдаланилади.

Ривожланишнинг инновацион типи беовосита илмий-техникавий салоҳиятнинг мавжудлиги ва ўсиши, турли соҳаларга инвестицияларни кенг қўламда жалб қилиниши билан характерланади ва инновацион фаол корхоналар сонининг ошишига олиб келади.

Ривожланишнинг инновацион тизимида миллий инновацион тизимни шаклланишига алоҳида эътибор қаратилади. Миллий инновацион тизим тушунчаси инновацион иқтисодиётнинг муҳим белгиси сифатида фанга ХХасрнинг 70-йилларида кириб келди.

К.Фриманнинг фикрига кўра, миллий инновацион тизим – жамият томонидан истеъмол қилинадиган янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларнинг яратилишидаги янги билимларни ишлаб чиқишда, сақлашда,

---

<sup>4</sup> К.Шодиметов. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истикболлари. –Т.: “ILM ZIYO”. 2014. 14 бет

<sup>5</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 9.

тарқатишда ва янги технологияларга айланишида қатнашадиган иқтисодий субъектлар ва ижтимоий институтларнинг (кадриятлар, меъёрлар, ҳуқуқларнинг) мураккаб тизими ҳисобланади<sup>6</sup>.

Технологик изчиллик қонуниятларини ва унинг тарихий мантиқий кетма-кетлигини ўрганадиган эволюцион иқтисодий назария “техник иқтисодий прадиigma” ва “технологик траектория” тушунчаларига асосланади. У макродаражадаги иқтисодий ўсиш бир томондан турли-туманликка ва ноаниқликларга, иккинчи томондан эса микродаражада иқтисодий жараёнларни бир-бирига уйғунлаштириш, мутаносибликни таъминлаш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштиришга боғлиқлигини қайд этади.

Инновацион ривожланиш концепцияси. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР), Жаҳон банки ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг ташаббусига кўра кенг ривожланмоқда. Мазкур халқаро институтларнинг ташаббуси билан кейинги йилларда бир қатор катта тадқиқотлар амалга оширилдики, улар миллий иқтисодиётни анъанавий индустриал иқтисодиётдан билимга, илмга асосланган постиндустриал иқтисодиётга трансформация жараёнларини ўрганишга бағишланган.

Инновация стратегияси ва уларни рағбатлантириш ХРТМга аъзо давлатлар ваколатида, лекин уларнинг глобал таъсири бор. Бунда нафақат инновацион бойлик ва иқтисодий ўсишга эришиш, шу билан бирга улар ҳам иқлим ўзгаришларини юмшатиш, касалликларга қарши курашда ресурслар бошқарувини такомиллаштириши мумкин. Бу китоб мазмуни ривожланаётган мамлакатларда инновацион янгиликлар киритиш имконини беришга хизмат қилади<sup>7</sup>.

Инновацион ривожланишнинг базавий кўрсаткичлари (индикаторлар) методологик база зарурий элементи сифатида муҳим аҳамиятга эга. Улар иқтисодиёт ёки унинг алоҳида тармоқларининг инновациялашув даражасини ифодалайди. Умумэътироф этилган қоидага кўра, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш даражасини бир қатор кўрсаткичлар мажмуаси ифодалайди. Уларнинг ичида энг асосийси сифатида илмталаб ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодиётга интеллектуал ресурсларни жалб этиш даражасини кўрсатиш мумкин.

Миллий ва халқаро статистик тажрибада фундаментал ва амалий тадқиқотлар соҳасида ресурсларнинг ривожланиши, илмий, муҳандислик, тадқиқотчи ва менеджер кадрларни тайёрлаш тизимининг ривожланиш даражаси, тадбиркорлик субъектларини ахборот ва технологик жиҳатдан таъминланиши, соҳанинг инвестиция сифими, оммавий инновацион

---

<sup>6</sup>Freeman C. Technology Policy and Economic Performance. L.: PrinterPublishers, 1987. p 57.

<sup>7</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 4.

тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш кўлами, молиялаштириш тизимининг ривожланганлиги каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

2002 йилдан бошлаб фаолият юритаётган Европа инновацион таблосида Европа давлатларидан ташқари яна жаҳоннинг 40дан ортиқ мамлакати иштирок этади. Унда миллий инновацион тизим ва инновацион сиёсат тўғрисидаги ахборотлар жуда кенг қамровли кўрсаткичлар асосида тақдим этилади.

АҚШнинг охириги 50-йиллик тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, дунёда руйхатга олинган технологик янгиликларнинг 60 фоизи ушбу мамлакатда яратилган. Ғарб мамлакатларининг тажрибасида эса маълум бир давр давомида яратилган технологик янгиликнинг сони эмаси, балки уни мамлакат иқтисодиётида қанчалик ўзлаштирилганлиги инновацион ривожланишнинг бош мезони саналади.

Россия Фанлар академияси академиги В. Макаров, инновацион ривожланиш тушунчасини билимга асосланган иқтисодиёт тушунчаси билан ўхшаш эканлигини таъкидлаб, билимни технологик моддиятга айланиши ҳолатини хал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини, билимларни ишлаб чиқариш эса иқтисодий ўсишнинг асосий манбаси эканлигини қайд этади.<sup>8</sup>

## **1.2. Билимларга асосланган иқтисодиёт ва унинг хусусиятлари**

XX аср охирига келиб жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошланди. Хозирги кунда мамлакатларнинг ҳалқаро майдондаги ва дунё иқтисодиётидаги ўрни ва рақобатбардошлиги унинг табиий бойликлари, молиявий маблағларининг ҳажми ёки қуроли кучларининг қудрати билангина эмас, балки, ундаги интеллектуал салоҳият, янги билимларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш имконияти ва қобилияти билан белгиланмоқда. Бугунги кунда билимлар иқтисодий ўсишнинг асосий омили, халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиётини таъминлайдиган муҳим дастакка айланди. Буни ялпи маҳсулоти ўсишининг 90 фоизини илмий-техник тараққиёт белгилаб бераётган ривожланган мамлакатлар тажрибаси тасдиқлайди.

ХРТМнинг фан, техника ва саноат бошқармаси вакиллари ва барча ҳамкорларга миннатдорчилик билдирамыз.

2009 йил январ ойида бўлиб ўтган семинарда " Инновацион тараққиёт: билим бойликка айлантирилмоқда" мавзусида кўшма йиғилиш бўлди. Бу дунё бўйлаб, фан, сиёсат ва барқарор тараққиёт ЮНЕСКО кафедраси техник мувофиқлаштириш билан кўплаб институтлари илм-фан, технология ва жинсга боғлиқ соҳаларда мутахассисларнинг иқтисодий фаол шериклиги ва кенг халқаро ҳамкорлик институтларининг алоқа натижасидир. Биз қуйидаги асосий иштирокчиларни таништирамыз: Пиер Карло Падоан, вазир ўринбосари, Валтер Эрделен, бош директори ўринбосари, ИХРТ бош иқтисодчиси, Тони Мардзхорем табиий фанлар учун ЮНЕСКО техника

---

<sup>8</sup> Макаров, В. Контуры экономики знаний / В. Макаров // Экономист. 2003. № 3.14.

фанлари вакили; Фред ва Гуо Жин Wu, Канада Халқаро Ривожланиш тадқиқотлари маркази (ИДРС) аъзо. Молия фаолияти ИДРС, ОЕСД ва ЮНЕСКО ва Швеция Халқаро тараққиёт ҳамкорлик Сервиси (СИДА). Агентлик Халқаро тараққиёт ҳамкорлик - СИДА / СИДА - Ташқи ишлар вазирлиги Швеция томонидан бошқарилади. СИДА асосий мақсади - қашшоқликни бартараф этиш ва турмуш даражасини яхшилаш учун ёрдам беради.

Сусанне Хуттнер, ДСТИ, 2009 йилдаги семинарлар материаллари таҳририга катта ёрдам берди. Бу нашр ИДРС хомийлигидаги ОЕСД - ИДРС ташкилотлари қўшма иши ҳисобланади.

Бу китобни яратишда ёрдами учун жаҳон озиқ-овқат конференцияси томонидан 1977 йилда ташкил этилган кўп томонлама молиявий институт бўлмиш Африка тараққиёт банкига, ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ жойларида очлик ва қашшоқлик муаммоларини ҳал қилишга катта ҳисса қўшаётган. қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Халқаро фонди (ИФАД) алоҳида раҳмат айтамыз,

Бундан ташқари, Халқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари маслаҳат гуруҳи (СГИАР), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари халқаро федерацияси (ИФАП), Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди (ИФАД), Британия қироллик ҳамжамиятига, савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конферецияси, Жаҳон банки ва барча ҳамкор ташкилотлар китобни бойиши салмоқли ҳисса қўшдилар<sup>9</sup>.

Аграр ёки индустриал иқтисодиётда товарларнинг айирбошланиши натижасида ушбу товарларнинг мамлакатдан бутунлай чиқиб кетиши рўй берган бўлса, жамият тараққиётининг янги босқичининг асосий товари бўлган билим ва унинг натижаларининг сотилишига бундай хусусият хос эмас. Табиий бойликлар чекланган бўлса, билимларнинг асоси бўлган инсон қобилиятлари чексиздир. Шу ўринда Томас Джефферсоннинг қуйидаги сўзларини эслаш ўриндир: “Мени ночорлаштирмай фикрларимни олиб фойдаланган инсон, худди мени қоронғуликка дучор этмай чироғимнинг ёруғлигидан фойдаланган инсон кабидир”<sup>10</sup>. Яъни, билим ва унинг натижаларининг айирбошланиши унинг камайишига эмас, балки ундан ҳам зиёда бўлишига олиб келади<sup>11</sup>.

XX аср охирларида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (ОЕСД) аъзо мамлакатлар ЯИМнинг 50%дан ортиғи билимларга асосланган тармоқларда яратилган. Илмий тадқиқот ва ишланмаларга ўртача харажатлар ЯИМнинг 2,5%ига, таълим харажатлари давлат харажатларининг 12%ига, “ўқиш ва ишлаш” дуал тизими мавжуд бўлган Германия ва Австрия каби давлатларда “иш жойида таълим олиш” (on the job training) га харажатлар

<sup>9</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 5.

<sup>10</sup> Макаров В.Л. Экономика знаний: уроки для России // Наука и жизнь, 2003. №5.

<sup>11</sup> Акрамова Ш. Билимларга асосланган иқтисодиётда олий таълимнинг ўрни. Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы: Монография/ Под.ред. академика Р, Убайдуллаевой. - Т.: 2012. С.207

ЯИМнинг 2,5%гача етган. 1980 – йилларнинг ўрталаридан бошлаб компьютер ва дастурий таъминотларнинг сотиб олиниши йилига 12% га ошиб бориш суръатида рўй берди. OECD га аъзо мамлакатларда юқори малакали кадрларга талаб ошмоқда. Ўрта маълумотлилар орасида ишсизлик 10,5%ни ташкил этган бўлса, олий маълумотлилар орасида 3,8%ни ташкил этган. Юқори технологиялар, илм талаб этувчи тармоқларда бандлик ошиб бормоқда<sup>12</sup>.

Билимлар иқтисодиёти таълим тизими, фанлар, патент системасини, компьютер программаларини ишлаб чиқариш соҳаси, НИОКР (Научно-исследовательские опытно - конструкторские разработки) ва билим ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа тармоқларни қамраб олади.

Бу шундай иқтисодиётки, унда интеллектуал салоҳият, ишчи ва хизматчиларнинг креатив имкониятлари, билимлари, товар яратишдан тортиб уни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боргунгача бўлган барча босқичларидаги инновациялар корхона стратегик ривожланишининг асосий ресурси бўлиб хизмат қилади.

Охирги йилларда жаҳон иқтисодий адабиётида кенг тарқалган "билимларга асосланган иқтисодиёт" ёки интеллектуал иқтисодиёт тушунчаси шу нарсани англатадики, илмий билимлар ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг махсус кўникма ва билимлари моддий ва номоддий ишлаб чиқаришнинг, барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий манбаи ва ҳал қилувчи омилига айланмоқда.

“Билимлар иқтисодиёти” атамаси илк бор, миллий иқтисодиётнинг билимлар яратиладиган, қайта ишланадиган ва тарқатиладиган тармоғи сифатида 1962 йилда Ф. Махлуп томонидан “АҚШда билимларнинг ишлаб чиқарилиши ва тарқатилиши” китобида муомалага киритилган<sup>13</sup>. П.Друкер томонидан эса ушбу атама иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида билимлар юзага чиқадиган иқтисодиёт тури сифатида кенг оммага ёйилган. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (OECD) таърифига кўра “билимлар иқтисодиёти” бу билим ва ахборотларнинг ишлаб чиқарилиши, тарқатилиши ва фойдаланилишига асосланган иқтисодиётдир<sup>14</sup>. Бошқа бир манбада келтирилган таърифга кўра эса “билимлар иқтисодиёти” постиндустриал ва инновацион иқтисодиёт ривожланишининг юқори босқичи бўлиб, билимлар жамияти ёки инфорацион жамиятнинг асосидир<sup>15</sup>. Инсон капитали ва билим иқтисодий тараққиётнинг асосий омилидир. Иқтисодиётнинг ушбу турининг ривожланиш жараёни инсон капиталининг сифатини ошириш, турмуш сифатини ошириш, юқори технологик билимлар, инновация ва юқори сифатли хизматларни ишлаб чиқаришдан иборатдир. Рус

<sup>12</sup> The Knowledge Based Economy. Organization For Economic Cooperation and Development, Paris. 1996. – P. 9-10.

<sup>13</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 65. info@idrc.ca/www.idrc.ca

<sup>14</sup> The Knowledge Based Economy. Organization for Economic Cooperation and Development, Paris. 1996. – P. 7

<sup>15</sup> <http://ru.wikipedia.org/>

академиги Я.Б. Данилевичнинг фикрича “билимлар иқтисодиёти” да “инновацион иқтисодиёт”дан фарқли равишда, инновациялар эмас, балки, билим асосий айирбошлаш объектига, яъни товарга айланади. Яна бир таърифга кўра “билимлар иқтисодиёти” бу ўзининг ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун билимларни яратадиган, тарқатадиган ва улардан фойдаланадиган иқтисодиёт бўлиб, унда билимлар иқтисодиётнинг барча тармоқларини ва иқтисодий муносабатларнинг барча қатнашчиларини бойитади. Бугунги кунда “билимлар иқтисодиёти”ни атамаси жуда оммалашиб бормоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу соҳада кўпгина изланишлар олиб борилаётганлигига қарамасдан “билимлар иқтисодиёти” тушунчасининг моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари, асосий элементлари ва бошқа жиҳатлари аниқлик талаб этади<sup>16</sup>. Тадқиқотчи Ш.Акрамова “билимлар иқтисодиёти”га “кучли ижтимоий хусусиятга эга бўлган ва асосий ривожланиши билимларнинг яратилиши, тарқатилиши ва фойдаланилиши таъсирида амалга ошадиган иқтисодиёт сифатида қараш мумкин”, деган фикрни билдиради.

### **1.3. Инновацион жараён моделлари ва амал қилиш қонуниятлари**

Бугунги кунга келиб инновациялар иқтисодий тарақиётнинг энг муҳим, иқтисодиётни интеллектуаллаштиришга асосланувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Бундай шароитда инновацион, айнан билимларга асосланган, малакали ишчи кучини ўзида мужассам этган юқори фан сиғимига эга бўлган технологик иқтисодиёт рақобатбардош бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда инновацион тараққиётда инновацияларнинг чизиқли модели етакчи роль ўйнамоқда. Ушбу моделга мувофиқ ишлаб чиқилган фундаментал илмий ғоялар амалий тадқиқотларда ўз аксини топади. Мана шундай тадқиқотлар инновациялар учун асос бўлиб хизмат қилади, уларни амалга ошириш натижасида илғор технологиялар юзага келади<sup>17</sup>. Мутахассислар модель XX асрда ўзини фақат ижобий томондан кўрсатганлиги ва, ўз навбатида, XXI асрда ҳам ривожланган мамлакатларда ўз ўрнини йўқотмаслиги тўғрисидаги фикрларни айтиб ўтадилар.

Адабиётларда мазкур моделга қўшимча тарзда “инновацияларнинг кўп сонли манбалари модели” ҳам жорий этилаётганлиги ва унга мувофиқ инновациялар инновацион тизимнинг исталган қисмида юзага келиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрларни учратиш мумкин. Олимларнинг таъкидлашларича, гарчи илмий тадқиқотлар инновацияларнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолсада, унинг ягона ривожлантирувчи омили ҳисобланмайди. Демак, илмий тадқиқотлар билан шуғулланувчи ташкилотларнинг анъанавий тутган ўрни ҳам ўзгариши мумкин. Тадқиқотлар

<sup>16</sup> Акрамова Ш. Билимларга асосланган иқтисодиётда олий таълимнинг ўрни. Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы: Монография/ Под ред. академика Р, Убайдуллаевой. - Т.: 2012. С.209

<sup>17</sup> Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011



шунни кўрсатадики, янги илмлар нафақат давлат илмий тадқиқот институтлари ёки компанияларнинг илмий бўлинмаларида, балки кўплаб ижтимоий тузилмаларда ҳам яратилмоқда. Маълумки, инновацион жараён технологиялар соҳаси билан чегараланиб қолмайди, балки институционал, ташкилий ва бошқарув инновацияларини ҳам ўз ичига олади.

Инновацион сиёсат ҳақидаги билим бир қатор йўналишларни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда, ОЕСД аслида катта Саноати ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш органи айланган.

ИХРТ марказий мақсади аъзо давлатлар иқтисодиёти ва ҳамкор давлатлар ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ва сўл ва тармоқ даражада иқтисодий тартибга солиш амалга ошириш учун тавсиялар қилишдир.

Бугунги кунга келиб, ОЕСД нафақат бир қитъада иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш қаратилган, балки дунёда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш вазифаси турли ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ОЕСД фаолиятининг асосий мақсади бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, иқтисодий фаолият кўлами, иқтисодий масалалар билан чекланиб бўлмайди.

ОЕСД ривожланаётган мамлакатлар учун инновацияон сиёсат ёндашувларини ишлаб чиққан.. Ҳаракатлар учрашувлар жараёнида бошланган.. Инновацион ривожланишга кўмаклаштириш кўмитаси (ИКК), ўн йил ичида биринчи марта ривожлантириш бўйича ОЕСД Кенгаши мажлисида дипломатия ва муҳофаа муаммолари кун тартибига киритилаётган янгиликларни ўз ичига олади.

Булар Германия ва Япония ривожланишида катта рол ўйнаб, режалаштирилган мақсадларга эришишда барқарор ҳамкорлик учун фаол сиёсатни олиб боришда қўл келмоқда.

Фан, технология ва саноат учун ОЕСД, директсияси мамлакатларда инновацион тадқиқотлар ўтказиш, янги иш бирлигидан, география ва Outlook (ССО) яратди. ОЕСД, ЮНЕСКО семинари давомида, халқаро тараққиёт ва (СИДА томонидан) ҳамкорлик Швеция агентлиги бошқаруви ва янгилик тизимлари соҳасида чнги тузулмалар яратди. Янги тузулмалар ва янги лойиҳалар, инновацияни халқаро даражада ривожлантириш йўлига, билим ва Мингйиллик ривожланиш мақсадларига (МРМ) мурожаат қилиб, ЮНЕСКО ҳамда Жанубий ҳамкорлик Халқаро фан, технология ва инновациялар маркази орқали таълим ҳамкорлигини ривожлантириш учун ташаббус кўрсата бошлади. Канада Халқаро тараққиёт тадқиқот маркази бу соҳада ўз фаолиятини амалга оширади.

Иқтисодий тадқиқотлар технологияси институти инновация фаолият доирасида тадқиқот ишларини олиб бориш ва тайёрлаш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширади. Жаҳон банки, бошқа манфаатдор томонлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инновацион салоҳиятни ривожлантиришнинг иш режасини ишлаб чиқиди. 2009 йилнинг декабр ойида барқарор ривожланиш салоҳияти ҳақида фан, технология ва инновациялар

шериклик тўғрисидаги Глобал Форум ўтказди. ОЕСДнинг инновацион стратегиясида белгиланган кун тартибига мувофиқ Sida томонидан молиялаштирилган, Африкани ривожлантириш учун янги ҳамкорлик доирасида инновациялар ҳақида статистик маълумотларни солиштириш мақсадида 19 та Африка мамлакатларида R & D маъдумотлари асосида таҳлил қилиш фаолиятини қўллаб-қувватлайди<sup>18</sup>.

Бугунги кунда, иқтисодий ривожланган мамлакатлар инновацион ривожланиши моделларининг уч тури фарқланади<sup>19</sup>:

1. Фанда пешқадамликка, илмий ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини қамраб оладиган, қоида тариқасида, илмий-инновацион имкониятларнинг мудофаа секторидаги улуши анча катта бўлган кенг қўламли мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (АҚШ, Англия, Франция);

2. Инновацияларни тарқатиш, қулай инновацион муҳитни яратиш, иқтисодиёт структурасини оқилонлаштиришга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария);

3. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларига таъсирчанликни таъминлаш,- фан ва технологиялар соҳасида турли секторларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш йўли билан инновацияларни рағбатлантирувчи мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея).

Ҳозирги вақтда, ОЕСД аслида катта Саноати ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш органи айланган.

ИХРТ марказий мақсади аъзо давлатлар иқтисодиёти ва ҳамкор давлатлар ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ва сўл ва тармоқ даражада иқтисодий тартибга солиш амалга ошириш учун тавсиялар қилишдир. Бугунги кунга келиб, ОЕСД нафақат бир қитъада иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш қаратилган, балки дунёда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш вазифаси турли ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ОЕСД фаолиятининг асосий мақсади бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, иқтисодий фаолият кўлами, иқтисодий масалалар билан чекланиб бўлмайди<sup>20</sup>.

Миллий иқтисодиётларни илмий-инновацион ривожлантириш моделининг тўртинчи тури шаклланаётганини ҳам кўрсатиш мумкин. Булар инновация омилидан фойдаланган ҳолда ривожланган индустриал муҳитни яратишга қараб мўлжал оладиган мамлакатлардир. Мамлакатларнинг ушбу гуруҳида

<sup>18</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. "Innovation and the Development Agenda". International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 9-10.

<sup>19</sup> К.Шодиметов. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари. –Т.: "ILM ZIYO". 2014. 30 бет.

<sup>20</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. "Innovation and the Development Agenda". International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 21-23. info@idrc.ca/www.idrc.ca

жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларини ўзлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий муҳитдаги янгиликларга таъсирчанликни кучайтиришга кўмаклашувчи шарт-шароитларни яратиш асосида иқтисодиётни модернизация қилиш амалга оширилмоқда (Хитой, Ҳиндистон).

### **Назорат саволлар:**

1. Инновация деганда нима тушунилади?
2. Инновацион ривожланишнинг мазмун ва моҳияти нимадан иборат?
3. Билимларга асосланган иқтисодиёт бошқа иқтисодиётлардан нимаси билан фарқ қилади?
4. Инновацион жараённинг қандай моделларини биласиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011
2. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
3. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582)
4. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim (2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management.
5. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bcpcbookshop.co.uk](http://www.bcpcbookshop.co.uk).
6. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 155. [info@idrc.ca](mailto:info@idrc.ca)/[www.idrc.ca](http://www.idrc.ca)

### **Интернет сайтлари.**

1. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)
2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
4. [www.stability.uz](http://www.stability.uz)
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: [maryann.feldman@unc.edu](mailto:maryann.feldman@unc.edu), University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill ([thadji01@email.unc.edu](mailto:thadji01@email.unc.edu)); London School of Economics ([t.e.kemeny@lse.ac.uk](mailto:t.e.kemeny@lse.ac.uk));
8. University of North Carolina, Chapel Hill ([llanahan@email.unc.edu](mailto:llanahan@email.unc.edu))

## **2-мавзу. Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳаракатланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш.**

### **Режа:**

2.1. Интеллектуал мулк ва капиталнинг шаклланиши.

2.2. Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш.

2.3. Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш борасида давлат сиёсати.

**Таянч иборалар:** Интеллектуал мулк. Интеллектуал капитал. Интеллектуал ишланмалар. Интеллектуал бойликнинг ҳуқуқий муҳофазаси. Интеллектуал мулк ҳимояси. Интеллектуал мулкни бошқариш. ИТИларни тижоратлаштириш. Илмий кашфиётлар. Ихтиролар. Лицензиялаш.

### **2.1. Интеллектуал мулк ва капиталнинг шаклланиши.**

Интеллект (лот. *intellects* — билиш, тушуниш, идрок қилиш) — инсоннинг ақлий қобилияти; ҳаётни, атроф муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажриба-ни қабул қилиш қобилияти; турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати. Интеллект таркибига идрок қилиш, хотирлаш, фикр юритиш, сўзлаш ва ҳ.к. психик жараёнлар киради. Интеллектнинг ривожланиши туғма истеъдод, мия имкониятлари, жўшқин фаолият, ҳаётий тажриба каби ижтимоий омилларга боғлиқ. Интеллект савияси, даражаси инсон фаолиятининг натижаларига, шунингдек, психологик тестларга қараб ҳам белгиланади.

Билим яратиш, технологиялар трансфери ва ривожланаётган мамлакатларда инновацияион стратегиялар: сиёсат масалалари, экологик билим ва янгилик тизимлари, илмий институтлар, ривожлантиришга қаратилган. Бу мамлакатларда илм-фан ва технологиялар янги ишланмаларни ўрганиш имконини беради ва муассасалар ўртасида муҳокама қилишни ўз ичига олади.

Замонавий жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим хусусияти, янги маҳсулотлар ва материаллар, янги технологиялар, ташкилот ва бошқарув янги шакллари илмий билимга айлантириш орқали инновацион жараёнларни жадаллаштириш мақсадида амалий фойдаланиш, уларни олиб. "Асосий ва амалий тадқиқотлар истеъмолини - ривожланиш ва технологик ишлари - маркетинг - венчур инвестициялар - ишлаб чиқариш" янгилик жараёнларини ўз ичига олади<sup>21</sup>.

---

<sup>21</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. "Innovation and the Development Agenda". International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 11.

Инновациявий ривожланаётган мамлакат нуқтаи назардан, миллий иқтисодий ўсишнинг стратегик мақсади ишлаб чиқилади ва бундай стратегия доирасида инновацион тармоқларни интеграциялашади. Инновацион жараёнлар билан бошлаш учун одатда муваффақиятли бўлган сотиб олиш ва мавжуд технологияларни мослаштириш салоҳиятли, янги платформа технологиялари булган тақдирда, бошқа жойда ИТТКИ ўтказилади. Кўпроқ мураккаб, айниқса ривожланаётган мамлакатлар, бу ривожланишини ўз ичига олиши мумкин. Энг янги ва ҳайратланарли технологиялар, бу вақтда тажриба талаб этади. Булар барчаси йиғиндидан иборат ўз ичига эволюцион жараён таклифини олади. Унда ўрганиш аввал, оддий қобилият ва фаолиятни янада ривожланган бўлиши муҳим. Ривожлантириш сиёсати учун ҳисобланган ёндашувни қабул қилиш кераклиги учун технологик кўникмага оид дарслар ўрганилади. Улар бир муҳим асосий йўналишларини танлаши керак. Билим ва кўникмалари, иш қобилиятлари ва ички билим ўсиши билан бирга ишлаш тизимлари ва миллий иқтисодиётга оид бўлади<sup>22</sup>.

Интеллектуал мулк - ижодий аклий фаолият маҳсули. Ихтирочилик ва муаллифлик объекти ҳуқуқи мажмуига кирувчи, фан, адабиёт, санъат ва и.ч. соҳасида ижодий фаолиятнинг бошқа турлари, адабий, бадиий, илмий асарлар, ижрочи актёрлик санъати, жумладан овоз ёзиш, радио, телевидение асарлари, кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари, саноат намуналари, компьютерлар учун дастурлар, маълумотлар базаси, ноу-хаунинг эксперт тизимлари, товар белгилари, фирма атамалари ва бошқа аклий мулк объектларига киради. Ҳозирги даврда Интеллектуал мулкни му-ҳофаза қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси 1991 йил декабрда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди, 1993 йилдан саноат мулкни муҳофаза қилиш Париж конвенциясига кўшилди.

## **2.2. Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш.**

Интеллектуал мулк ҳуқуқи - интеллектуал (аклий) фаолият натижасига тегишли ҳуқуқ. Мулк эгаси ана шу интеллектуал мулк объектларидан ўз хоҳишига кўра, ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши-га фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги б-нгина йўл қўйилади (Ўзбекистон Республикаси ФК, 1034-модда). Баъзи объектларга нисбатан (ихтиро, саноат намунаси, фойдали модель, товар (хиз-мат) белгиси, фирма номи ва ш. к.) мутлақ ҳуқуқ давлатнинг ваколатли органи томонидан бериладиган махсус

---

<sup>22</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. "Science and Innovation for Development". © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 15.

ҳужжат — патент, гувоҳнома асосида вужудга келади ва ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Замонавий миллий инновацион тизимлар институтлари кенг доирадаги олимлар томонидан ривожланган ҳамкорлик мавжудлигини тақозо қилади. Лекин ривожланаётган мамлакат тизимлари илғор саноати ривожланган мамлакатларда муассасалари билан, хусусан, бошқа муассасаларида олимлар билан ўзаро ва уларнинг олимлар рағбатлантириш керак. Бугунги кунда бундай ҳамкорлик кўпинча университетлар ва давлат тадқиқот институтлари сифатида давлат сектори муассасалари ўртасида ҳосил бўлади. Илмий салоҳиятни ва глобал инновацион тизимлари билан боғлиқ бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда миллий инновацион тизимлари каби давлат сектори ҳамкорлиги тобора муҳим бўлади. Улар, шунингдек, яна адолатли бўлиши керак<sup>23</sup>.

Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари — ашёлар, қимматбаҳо қоғозлардан қуйидаги хусусиятлари бўйича фарқ қилади: а) кўп ҳолларда улар моддий кўринишда эмас, балки ғоя, билим, ахборот шаклида намоён бўлади; б) ғоя, билим шаклидаги интеллектуал мулк объектига одатдаги моддий ашё-га эгалик қилгандай эгалик қилиш мумкин эмас; в) шахслар бундай объектлардан айна бир вақтнинг ўзи-да чексиз доирада фойдалана олиши мумкин; г) мулк ҳуқуқининг муддациз эканлиги ҳақидаги қоида (ФК, 164-модда) Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан қўлланилмайди, бинобарин аксарият ҳолларда (ноу-хауга нисбатан истисно-ни назарга олмаганда) Интеллектуал мулк ҳуқуқининг амал қилиши қонунларда белгиланган муддатлар билан чегараланган бўлади; д) қонунларда белгиланган муддатлар утиши билан Интеллектуал мулк ҳуқуқи эгасининг маълум интеллектуал мулк объектига нисбатан ҳуқуқлари бекор бўлади ва у умуминсоний бойликка айланиб, ҳар ким ундан маълум шартлар асосида (муаллифининг шахсий ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда) текин ва рухсациз фойдаланишга ҳақли бўлади; е) Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда виндикация даъвосини қўллаб (ФК, 228-модда) бўлмайди; ё) Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан одатдаги мулк ҳуқуқий эмас, балки мутлақ ҳуқуқлар ҳақидаги қоидалар қўлланилади; ж) Интеллектуал мулк ҳуқуқининг амал қилиши айна вақтда маълум ҳудуд билан чегараланган бўлади. Масалан, ихтирога нисбатан Ўзбекистан Республикаси Патент идораси томонидан берилган патент Ўзбекистан Республикаси ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистан Республикаси қўшилган халқаро конвенциялар, у билан хорижий давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама шартномалар асосида белгиланган ҳудудлардагина амал қилади; з) кўпгина интеллектуал мулк объектларининг муаллифларига тааллуқли

---

<sup>23</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 65-66.

шахейи ҳуқуқлар ҳам мавжуд бўлиб, бу объектлардан фойдаланувчилар мазкур ҳуқуқларга риоя қилиши шарт.

Интеллектуал мулк объектлари қандай фаолият маҳсули эканлиги, ҳуқуқий режими ва ш.к. хусусиятларига қараб, қуйидаги турларга бўлинади: а) интеллектуал фаолият натижалари: фан, адабиёт, санъат асарлари; эшит-тириш ташкилотларининг ижролари, фонограмма ва эшиттиришлари; электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумот базалари; ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари; селекция ютуқлари; ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау) дан иборат; б) фуқаролик муомаласи иш-тирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар (фирма номлари; товар (хизмат) белгилари; товар чиқарилган жой номи; в) Фуқаролик Кодексида ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситалар (ФК 1031-модда). Мазкур фаолиятнинг янги маҳ-сулларига, фирмалар, товарлар, ишлар, хизматларнинг янги номлари ва аломатларига нисбатан ҳам ФК (4-бўлим) да ва бошқа қонунларда интеллектуал мулкка оид белгиланган қоидалар қўлланади.

Интеллектуаллик коэффиценти (инг. intellectual quotient, қисқ-артма номи IQ) — одамнинг турли тест услублари асосида аниқланадиган ақлий ривожланиш кўрсаткичи, билим савияси. Тест тизимлари ёрда-мида болаларнинг ақлий савиясини миқдорий кўрсаткичлар орқали аниқ-лаш ғоясини биринчи марта француз психологи А. Бине ишлаб чикдан (1903). Бунда ҳар бир одам ёши учун у эришган билим ва маҳорат даражаси 100 га тенг деб олинган. Мазкур кўрсаткичдан ортиқ ёки кам миқдор ақлнинг бирон-бир даража ривожланиши камолоти ёхуд орқада қолиши ҳақида ҳукм чиқариш имконини берган. АҚШ ва бошқа мамлакатларда Интеллектуаллик коэффиценти ёрдамида армияга ёшларни саралаб олиш, ўқувчилар билимини баҳолаш кабилар расм бўлган.

### **2.3. Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш борасида давлат сиёсати**

Илмий ишланмалар бозори -илмий-техникавий ишланмалар ва турли лойиҳалар олди-сотди қилинадиган бозор, бозорнинг йирик сегменти. И.и.б. тендерлар ўтказиш, контрактлар тузиш, грантлар танловини ўтказиш, ярмарка ва кўргазмалар ташкил этиш, янгиликларни инновация фирмалари ва биржалардан сотиб олиш шаклида юз беради. Бу бозорда сотувчи сифатида университетлар, илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик, технологик, лойиҳалаштириш фирмалари фаолият кўрсатади. Улар ўзи ишлаб чиққан ғоялар ва лойиҳаларни таклиф этадилар. Харидор вазифасини эса турли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фирмалари ва давлат идоралари бажаради. Сотувчи ва харидорлар илмий ишланмалар бозорининг субъекти бўлса, илмий-

техникавий ишланмаларни ўзида мужассам этган патент-лицензия ва ноу-хаулар унинг объекти ҳисобланади. Ишланмалар бутунлай сотилганда эгасининг интеллектуал мулкидан харидор мулкига айланади. Улар қисман сотилганда мулккий эгалик ҳуқуқи мулк эгаси қўлида қолади, аммо улардан маълум муддатда фойдаланиш ҳуқуқи харидорга ўтади. Илмий ишланмалар бозорида аввал улардан фойдаланиб, сўнгра уларни тўла-тўқис сотиб олиш юзасидан ҳам битимлар тузилади. Илмий ишланмалар бозори фан-техника тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади.

Бугун, билим ва уларни яратишга асосланган иқтисодий ривожланиш, иқтисодий ўсиш ва инновациялар манбаи бўлади. Ривожланаётган иқтисодиёти эса миллий инновацион тизими энди шакллантирилмоқда.

Яқинда бошланган ривожлантириш жараёнларини ўзгартириш асосий вектори иқтисодий ривожлантириш ва шакллантириш, янги турдаги иқтисодиёт соҳасида билим ҳал қилувчи рол ўйнаши, билим иқтисодий ўсиш манбаига айланиши керак. Бу иқтисодий ўсиш, илмий билим, янги технологиялар, инновацияион жараёнлар, маҳсулотлар ва хизматлар, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг янги шакллари тизими бўлиб қолади, деган маънони англатади.

Инновация стратегик ўсиш омили бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасининг таъсири, жамият иқтисодий фаолиятини ташкил этишни ўзгартириш, мамлакатда ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш ҳисобланади. Миллий инновацион тизимини шакллантириш (МИТ) энг интенсив жараёни ривожланган иқтисодиёти ҳисобланади. Миллий хусусиятлари ва иқтисодий салоҳиятига қараб турли моделлари МИТ томонидан ишлаб чиқарилган<sup>24</sup>.

Ихтиро — халқ хўжалигининг турли соҳаларида, ижтимоий-маданий қурилиш ва мудофаа соҳаларида ижобий самара берадиган, ўзига хос техникавий ечимга эга бўлган янгилик. Тор маънода — давлат томонидан тан олинадиган ва тегишли қонун билан муҳофаза қилинадиган янги техникавий ечим. Ҳар қандай янгилик ҳам ихтиро бўлавермайди. Масалан, куруқ илмий қоидалар, хусусан, кашфиётлар, амалга ошириб бўлмайдиган ва хато таклифлар (мас, абадий двигатель яратиш ҳақидаги таклифлар) ихтиро ҳисобланмайди. Ҳал қилинадиган масала фақат назарий эмас, балки амалий эҳтиёжларни қондирадиган бўлиши лозим. Ихтиро қонун билан муҳофазаланган давлатларда ҳар бир таклифнинг ихтиро бўлиш шартлари белгиланади. Бу шартлардан асосийси масаланинг энг янги ҳисобланган техник ечимидир. Муайян таклифни ихтиро деб ҳисоблаш учун ундан бир неча марта фойдаланиш имкони ҳам бўлиши керак. Ихтиронинг янгилиги, яъни биринчи эканлиги (кўпинча, ихтирочиликка оид ташкилотларга берилган ҳужжат — ариза санаси) олдин берилган муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар, ихтиролар эълон

---

<sup>24</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. "Innovation and the Development Agenda". International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 31.



қилинадиган тегишли адабиётлар, кўргазмаларда намоиш қилинган экспонатлар ва б.га мувофик, аниқланади.

Давлат инфратузилмада инвестиция ва илмий ташкилотларнинг молиявий жараёнларида асосий ўрин тутаяди. Сўнги вақтларда лойиҳанинг Инснунсионал боғлуклигини донор сифатида қўллаб қувватлайди. Миллий ва худудий илмий ташкилотлар мамлакатни ривожланишини молиявий жиҳатдан таъминлайди<sup>25</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ихтирочи бўла олиш шартлари ва уни таснифлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йилда тасдиқланган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақида»ги қонунда белгиланган. Ихтиро бўйича талабномаларни экспертиза қилиш, муаллифлик гувоҳномаси ва патент бериш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан амалга оширилади. Ихтирочилик ҳуқуқи - Ўзбекистонда фан ва техника соҳасида ихтиро яратиш, унинг расман тан олинishi ва қўлланиши биланн боғлиқ ҳолда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турадиган фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлар мажмуи. Ихтиро фан ва техникада янгилик эканини исботлаш учун у дастлабки таклиф бериш асосида 15 кунлик муддат ичида экспертизадан ўтказилади. Ихтиро экспертиза учун қабул қилингани ёки рад этилгани ҳақида таклиф берувчига асосли далиллар биланн ёзма жавоб юборилади. Экспертиза давомида буюртмачига ихтиро мазмунига бирон-бир шаклда ўзгартиш ёки қўшимча киритиш таклиф этилиши мумкин, бунинг учун яна икки ойлик муддат белгиланади. Мазкур талаблар ўз вақ-тида бажарилган тақдирда ихтиронинг биринчи марта яратилганлиги факт сифатида дастлабки таклиф берилган кундан эътиборан тан олинади. Таклифнинг ихтиро деб ҳисобланиши учун унинг муаллифи муайян техник муам-мони ижодий тарзда ҳал қилган бўли-ши шарт. Ихтирога оид ҳуқуқ қонун-қоидалари Ўзбекистон Республикаси ФК 62-бобида белгилаб берилган. Уларга биноан, бу ҳуқуқ ихтирочига патент берилганидагина муҳофаза қилинади. Патент биланн муҳофазаланадиган ихтиродан ўз хоҳишича фойдаланишдаги алоҳида ҳуқуқ патент эгасига тегишлидир, бошқа шахслар унинг рухсатисиз ихтиродан фойдаланишга ҳақли эмас (қонунларда кўзда тутилган алоҳида ҳоллар бундан мустасно). Ихтиро муаллифи махсус ҳуқуқлар, имтиёзлар биланн қонун воситасида таъмин этилиши мумкин.

Кашфиёт — изланиш, текшириш, илмий тадқиқот натижасида, баъзан эса тасодифан топилган, яратилган илмий янгилик. Унга табиат ҳодисалари ва жамият қонуниятларини онгли равишда илмий идрок қилиш натижасида эришилади. Кашфиёт туфайли моддий дунёнинг илгари инсониятга маълум бўлмаган объектив қонуниятлари, хоссалари ва ҳодисалари маълум бўлади.

---

<sup>25</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. "Science and Innovation for Development". © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). p 67.

Кашфиёт инсониятнинг билиш жараёни даражасини тубдан ўзгартиради. Кашфиёт фан-техника инқилоби-нинг асосини ташкил этади, фан ва техника тараққиётига тубдан янги йўналишларни бахш этади. Инсон босиб ўтган тарихий жараёнда жуда кўп кашфиётлар қилинди. Кашфиёт билан ихтирони бир-биридан фарқлай билиш керак. Кашфиёт натижасида муайян қонуниятлар яратилади, ихтиро натижасида эса муҳим янгиликлар яратилиши мумкин. Масалан, Архимеднинг сув чиқариш винти ўта янгилик бўлса ҳам у ихтиро ҳисобланади, И. Ньютоннинг бутун олам тортиши қонуни эса оламшумул кашфиётдир. Ҳатто ички ёнув двигателининг яратилиши ҳам ихтиро, лекин Н.Коперникнинг Ернинг ўз ўқи атрофида ва сайёралар (шу жумладан, Ер)нинг Қуёш атрофида айланиши тўғрисидаги ғояси — оламшумул кашфиёт. Автомобиль ва самолётнинг яратилишини ҳам илмга, табиат қонуниятларига асосланган ихтиро дейиш мумкин. Лекин Галилео Галилейнинг қушларнинг учишига таклид қилиб самолётнинг учиш схемасини яратиши кашфиёт ҳисобланади. Беруний, Ибн Сино, Улуғбек яратган қонуниятлар ҳам Кашфиётлар жумласига киритилади.

Ҳар қандай ихтиро ҳам кашфиёт бўла олмайди, лекин ихтиро кашфиётга суянган ҳолда қилинади. Атом ва водород бомбаларининг кашф қилинишини кашфиёт жумласига киритиш мумкин, бироқ, ракеталарни ясаш ихтиро ҳисобланади.

Кашфиёт ҳам, ихтиро ҳам қонунчиликда муҳофазаланади. Илмий кашфиётлар ва ихтироларни рўйхатга олиш, муаллифлик ҳуқуқини қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш давлат тизими мавжуд. Ўзбекистонда кашфиёт ва ихтироларни муҳофазалаш ишлари билан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси шуғулланади.

Ўзбекистонда инновация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш тизимини шакллантириш йўлида қатор муҳим ишлар амалга оширилган. Хусусан, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни рағбатлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа кўпгина норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлардан инновация фаолияти учун қулай шароитларни барпо этиш, тижоратлаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган бўлиб, улар инновация фаолияти натижаларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини ташкил этишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Қонунчиликка кўра, Ўзбекистонда мол-мулк дахлсиздир, республикада мулкчиликнинг, иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатиши ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат шакллари руҳсат берилган.

Инновация фаолияти натижаларини ҳуқуқий ҳимоялаш инфратузилмасининг таркибий қисми бўлган патент тизими, муаллифлик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистонда патент тизимини

такомиллаштиришнинг асосий йўналиши — миллий ихтироларнинг эксперт фондини шакллантириш, бу базадан фойдалана олувчи патент эксперт кадрларини тайёрлаш, патент берувчи текширув тизимига ўтишдан иборат бўлиши лозим.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ихтиролар ва саноат намуналарини патентлашнинг мавжуд тизими — республика иқтисодий сиёсатининг инновация йўналишини ҳисобга олган ҳолда баъзи ўзгаришлар киритилишини тақозо этади.

Халқаро технологик алмашувга фаол кириб боришнинг зарур шарти чет эллардаги саноат мулклари объектларини патентлаштиришдир. Бу товарлар экспортини ҳамда лицензияларни чет элга сотишни таъминлашнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Чет эллардаги ҳуқуқий муҳофаза патентлаш амалга оширилган мамлакатда шунга ўхшаш маҳсулотни ноқонуний ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилади. Хорижий патентлаш, одатда, экспорт маҳсулотни муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий патентлаш даражаси миллий патентлаш маҳкамасига тақдим қилинаётган жами аризалар сонининг 1 фоизини ҳам ташкил қилмайди. Бундай вазият, шаклланиб келаётган миллий илмий маҳсулотлар ва юксак технологиялар экспортига жиддий хавф туғдиради. Шу муносабат билан, республикада ҳуқуқ эгаларининг интеллектуал мулкларини, жумладан, давлат бюджети ҳисобига ёки давлат бюджети маблағларидан фойдаланиб, ишлаб чиқарилган интеллектуал мулкларни хорижий ва жаҳон бозорларидаги ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўрилиши зарурлигидан келиб чиқиб, мутахассислар томонидан тараққиёт институтларини ташкил этиш таклиф қилинмоқда. Мазкур институтлар молиялаштираётган, патентга лаёқатли саноат мулки объектларига эга бўлган лойиҳаларнинг ишончли ва кенг ҳимояга эга бўлишидан манфаатдордир. Шунинг учун, илмий-техник ва инновацион лойиҳалаштиришни молиялаштиришни режалаштиришда, хорижий патентлаш имкониятларини ҳам кўзда тутиш лозим<sup>26</sup>.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва уни ҳимоялаш учун Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича агентлик ташкил қилинган бўлиб, унга муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

2006 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ташкил қилинган. Мазкур қўмитани ташкил қилишдан мақсад мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида фаннинг ролини кучайтириш, илмий-техник тараққиёт бошқарувини эркинлаштириш, илмий тадқиқотлар, технологик ва

---

<sup>26</sup> К.Шодиметов. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари. –Т.: “ILM ZIYO”. 2014. 14 бет

конструкторлик ишланмаларининг савияси, сифати ва долзарблигини ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратшидир.

Қўмита ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар стратегияси билан боғлиқ равишда вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари тақдим қилган материаллар асосида, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид таклифлар тайёрлайди, вазирликлар ва идораларнинг илмий-техник дастурларини, инновация ва бошқа тадқиқот, тажриба- конструкторлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштиради.

### **Oxfamдаги инновацион муаммо.**

Oxfamда мослашишга бўлган катта мерос ва ижтимоий ўзгаришга нисбатан хоҳишдан ташқари яралган инновацияда бор - у Иккинчи Жаҳон урушининг бошланишидан буён чексиз трансформациялар саёҳатидадир. Бу унинг илк кунларидаги инновация устида қилинган яхши рекорди. 1950 ва 1960-йилларда у хайрия дўконлари ва гуманитар ёрдамларда бошчилик қилди. 1970-йилларда у фавқулодда ҳолатлар учун сув бак (идиш) ларини ривожлантирди ва *Sahel*ни олдларидан бошлаб “сеҳрли тошларга” чўлланишни камайтириш учун берди, уларнинг иккаласи ҳам ҳозир ишлатилмоқда. 1980-йиллар Oxford Brookes Университети ва ОИЦ/ОИТВ га қарши биринчи жамоаларнинг бири билан энергия бисквитини кашфиётини кўрди. 1990-йилларда у биринчи Адолатли Савдо Асосини яратди ва Нобел Тинчлик мукофоти лауреати бўлди. 2000-йилларда у “Камбағалликни ўтмишда қолдириш” компаниясида марказий ролни ўйнади ва фонд оширишнинг Oxfam Ўралмаган намоёишлари каби янги ёндашувларини ривожлантирди, қайсики ҳозирги кунда 50 миллион еврогача фондини ошириб олган. Бугун Oxfam ҳалигача кенг қўламда таъсир кўрсатиш учун инновация қилади<sup>27</sup>.

Шунга қарамасдан, муаммолар анчагина мураккаб бўлганлиги ва дунёнинг жуда ҳам тез ўзгараётганлиги сабабли биз ҳозирги кунда дуч келаётган муаммоларни ечишга етарли даражада яратувчи ва бирлашувчи эмасмиз. Oxfam нинг бош стратегик маслаҳатчиси Дунсан Греен айтганидек: “(кенгроқ контекст) инновацияга кўпроқ қўшимча ҳақ беради, аммо буни мавжуд доимийлик билан ривожлантириш Oxfam учун қийинлигини исботлади.

*Oxfam даги инновацияни яратувчи ва таъқиқловчи факторлар.*

Oxfam да инновация қандай даражада содир бўлишини янада яхшироқ тушуниш учун биз ташкилот бўйлаб инновациянинг яратувчи ва таъқиқловчи факторлари устида изланиш олиб бордик. Бизнинг методологиямиз инновациядаги ижобий оғишларни кашф қилиш эди – унинг ўзи халқаро

---

<sup>27</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 47.

ривожланишдаги муҳим инновация ҳисобланади. Биз ноодатий аммо муваффақиятли, муммоларга яхшироқ ечим топадиган йўллар ёки стратегияларни топишни хоҳлагандик. Биз кенг кўламда таъсир ўтказган ёки таъсир ўтказишга юқори даражада потенциали бор 13 та инновацион тажаббуслар жамоасини интервью қилдик. Бу ташаббускорлар кўп ҳажмдаги системалар фикрларининг элементларидан фойдаланган ва Oxfamнинг ишларини турли хиллигини кўрсатган инвесторлар билан ишлашган. Улар бундан ташқари “Бренддан Орқада” каби Сомалида соғлиқни сақлаш хабарлари ва пул жўнатиш учун мобил телефонлардан фойдаланадиган глобал компанияларни ҳам ўз ичига олади.

Oxfam инновацияларига мисоллар<sup>28</sup>. MLink Сомалида Oxfamга хавфсиз жойларда масофадан ҳамжамиятга эришиш учун имкон берди. У бозорга етиб бориши қийин болган маҳаллий сотувчиларга ўзак маҳсулотларга алмаштириш ҳисобига фойда олувчиларга жўнатиладиган интернет-купонлар орқали ишлайди. Сотувчилар эса бу эвазига Oxfamдан тезкор мобил тўловларни қабул қилади. ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда, бу ёндашув миллионлаб одамларни асаб касаллигидан ҳимоя қилишга йўналтирмоқда. Лекин бу яна шу фактни таъкидлайдики, бизнинг ҳозирги кўпгина стратегияларимиз бундай муҳитда ишлай олмайди.

Бангладеш фермерлари учун сув тошқинлари суғуртаси тошқиндан зарар кўрган одамларга тез тўланиш хусусияти билан 2013-йилда ташкил қилинди. Учувчилик индекс суғуртаси 14та вилоятда 1661та камбағал оилаларни қоплайди, лекин қачондир синаб кўрилган узоқроқни кўзлайди. Бу схема Швед Ре ва маҳаллий суғурталовчилардан ташкил топган жамоанинг бир қисми ва Oxfam томонидан ривожлантирилган. Муаммо инвесторларга фойда келтирадиган тижорий ишлайдиган моделни ривожлантириш – ва бу эрта мукофот учун вақт ва энергия олади.

Oxfamнинг “Бреддан орқада” компаниясининг мақсади одамларни дуёдаги энг катта 10та озиқ-овқат ва ичимлик компанияларини ушлаб туриш учун керак бўладиган ва уларнинг ўз таъминот занжирларида нима содир бўлаётганлиги ҳақидаги маълумотлар билан таъминлашдир. Ҳамма оммага маълум маълумотларни тўплаб компания қуйидагича саволни беради: “Улар ўз таъминот занжирларини тозалаш учун нима қилишмоқда?” Бу кўпгина актёрларнинг, идеализмдан, ўз қизиқишларидан ёки ўз ҳисобларини максималлаштиришга бўлган муҳтожлик танловлари камбағал оилаларга улкан фойда келтира оладилар.

Oxfamда инновация қандай содир бўлиши биз гапирган ташкилий структуралар орқали бўлган инновациялардан ташкил топган:

---

<sup>28</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 75.

1. Инновацияни гапирманг, уни бажаринг. Биз шуни билиб олдикки, Охфатдаги инновацияюрғизувчилар ҳар доим ҳам очикдан-очик инноватив бўлишга ҳаракат қилишм асди, ёки улар етарли даражада ўзлари инноватор эмас. Улар шунчаки муаммоларни ечишнинг яхшироқ ечимлари бор деб ўйлашган, ва бошқалар билан буларни ечишга ҳаракат қилишди. Биз кўриб чиқган инновацияларнинг бирортаси биз инноватив бўлишни хоҳлаганимиз учун бўлмаган.

Шунга ўхшаш ҳолда, изланиш ўтказишга ҳаракат қилаётганимизда биз ташкилот бўйлаб коллективни инновациясўзи устида хато қилишганлигини топдик. Биз тўхтовсиз нотўғри ижобий (қаерда иш инноватив сифатида аниқланганди лекин одатий бизнес эди) ва нотўғри салбий томонлар ( айтиб ўтилмаган буюк мисоллар)ни кўрдик . Биз қачонки одамлардан қайси иш яхши ва фарқ яратишга потенциалга эга деб сўраганимизда, ўша пайтда бизда юқори уриш даражаси бор эди.

Охфатда “Бу инновативми?” деган савол ҳақиқатдан ёрдам бермайди, сабаби бу бизни энг муҳим саволдан узоққа олиб кетади: “бу кенг кўламда ўзгариш олиб келадими ва таъсирни оширишнинг йўллари қандай?” Инновация ўзининг ўнгида масофадек кўриниши керак эмас, балки янада умумий ва креатив муаммо ечувчи бўлиши керак.

Иновациянинг тили тез-тез мантқиқсиз қарашларни ўзига олиши мумкин: “маъноли ўзгаришларни қилиш”, “трансформатив таъсирга эга бўлиш” ва ҳоказо анчагина таниш тил. Бу инновацион стратегиялар ўзгариш тактикаларига муҳтож бўлиши мумкин деган фактни таъкидлаб ўтади. Шунинг учун ҳам биз инновацияга яширинча қараймиз – масалан ривожланишнинг янги бизнес моделлари, дизайнни программалаштиришга (дастурлашга) яширинча ёндашиш, ва таъсир доирасида қурилиш жамоаси имкониятларига эътиборни қаратиш.

2. Одамлар аҳамиятга эга (ва улар кўплаб муҳим ролларни ўйнайди )

Бу изланишда биз “Инновация” одатда бериш, англаш, тарбиялаш ва талантни ушлаб туришдан бошланишини билиб олдик. Биз бир қанча ижобий нормал бўлмаганларни мослашишга ва ривожлантиришга муҳтож бўлган роллар бўлганлигини билдик.

Биз бу жамоа азоларини “серғайрат оператлар” деб атар эдик. Улар ўз фикрларини бир бири билан бўлишадиган бир бирини кўллаб-қувватлайдиган гуруҳнинг бир қисми эди, ва улар бир бирларини ўзларининг ажойиб маслаҳатлари ҳамда мутахассислик хулосалари билан кўллаб қувватлашар эдилар.

Бунда ҳар бир давр мобайнида ҳар бир босқичда сардорлар бўлади. Улар янгиликлар яратишади, ғолибларга ўхшаб ҳаракат қилишади имкониятлар топишади ва жамоани турли таваккалларда ва ишлар кўнгилдагидек кетмаётганда кўллаб-қувватлаб туришади. Бирреспондет ўз иш бошқарувчиси ҳақида шундай фикр билдирди; “У айтган бўлар эди “Бор ҳозир шу ишни қил, мен сенга ишонаман” ишончим комилки мен муваффақиятсизликка учрасам

ҳам у мени қўллаб-қувватлайди”. Кўп вақтларда ҳар хил иш тажрибасига эга бўлган ходимлар жамоси бир-хил йўналишдаги ходимлар жамоасидан устун бўлади.

3. Шиддатли тез ўзгарувчан вазиятлардаги имкониятлар<sup>29</sup>. Тез орада янги ишлаш жараёни, муҳити яратилган жамоада доимий вақт етишмаслиги кузатилади бунинг сабаби улар ўзларининг вазифаларини бажаришлари ва доимо ортиб борувчи қўшимча вазиятлар бўлади. Ходимлардан бири шундай дейди. “ишимизнинг бошида биз янги имкониятлар қидириш қўшимча фикрлар ғоялар яратиш бизнинг асосий ишимиз эмас эди буларни биз ҳафта охирида ҳамда кечки пайтларда қилар эдик.

Ҳозирда эса бу каби ҳаракатлар бизнинг келажақдаги ишларимизнинг, дастурларимизнинг асосий қисмига айланган. Ҳар қандай муваффақиятли ташкилот ҳам параллел аниқ равишда ҳаракатларни амалга ошириши керак ва бу келажақда кўпгина кескин вазиятларда фахрланадиган ҳодиса бўлади. Мен айтган бўлардимки янгилик яратиш учун биргина ва катта сабабларидан бири Oxfam каби ташкилотларда келажақда иш вақтида ходимларнинг вақти-чоғини яхши ўтказишидир. Албатта, уларни мажбуран бир жойда ушлаб турганидан кўра. Биз Осиёда давлатлардаги ишга лаёқатли аҳолининг авлодлар алмашинувини ривожлантирмоқдамиз ва бу иш бошқарувчилар кутган натижани бермоқда. Биз шунингдек шуни билдикки турли усул ва услубларда ишлаган ходимларбирлашиб катта муваффақият келтириши мумкин. Масалан: яқиндаги қўшма дизайн жараёнида ёшлар ҳам дастурли давлатлардаги шу соҳадаги мутахасисларнинг учрашуви бизга келажақ учун кўпгина имкониятлар яратиб берди.

Эгилувчан капитал бошланғич даврларда жуда муҳимдир у бизга турли тажрибалар ўтказиш имконини беради. Биз 3Д принтерини иносният учун қанчалик фойда келтиришини билмаймиз. Лекин, ақли одамнинг тиккан маблағи бизга кўп йўлларни очиб беради. Чунки бошланишда режалар ўзгарувчан бўлади. Маблағларни турли жойларга йўналтириш яъни эгилувчанлиги ва маблағ берувчиларнингочик-ошкоралиги жуда муҳим.

4. Ижодий ҳамкорлик. Яна бир муҳим омиллардан бири бу жўшқин ҳамкорлик ва шерикчиликдир. Бир манфат йўлида бирга вақт сарфлаётган одамларни ва муаммони ечишга қурби етадиган одамларни топганимизда бу нарса бизга дивиденд каби бўлади. Фақатгина биз уларни тўғри танлай олишимиз ва ечимларни бирга ривожлантира олсак. “Arms Trade Treaty” ташкилотини мисол қилиб оладиган бўлсак, у 65дан ортиқ халқаро ҳуқуқшуносларни ўз ичига олади. Ва бунинг асосий мақсади қонуний таҳлиллар ўтказиб унинг натижасида савдо сотиқнинг ҳуқумдорини аниқлаш шунингдек

---

<sup>29</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 83.

турли делегацияларни қонуний дипломатик конферецияларда қўллаб-қувватлашади.

Ижодий ҳамкорлик қуриш одатда жуда муҳим масала саифатида қаралмайди ҳатто кимёрлар учун ҳам. Катта ташкилий эътибор вақтинчалик устунлик ва унинг давомийлигига ҳамда ишларнинг боришига қаратилади. Чуқур систематик ўзгаришлар ҳамкорликнинг имкониятларини эҳтиёжи деб эмас балки, завқ улашадиган ҳодиса деб тадқиқ қилинди. Биз даслабки вақтларда Жанубий африкадаги катта бир пиво ишлаб чиқарадиган ҳудудда аёлларнинг жиноятга қарши жамоасини туздик ва бу анча-мунча ананавий усуллардан кўра фойдалироқ бўлди. Oxfam ҳодимларини яна бир кучли ташкилий қисми бу “Уларга ва Бизга” деган ғояни ўйғотишидир. Oxfam ҳодимлари ва ундан ташқарида бўлганлар ўртасида албатта. Бу ўз-ўзидан ота - мўғил ёки берувчи-қабул қилувчи каби алоқаларни катта ва кичик ташкилотлар ўртасида пайдо қилади. Oxfam ўз чегераларидан ўтказадиган йўлакларни кўпайтиришга муҳтож<sup>30</sup>. Бунинг асосий сабаби брокерликда асосий ўрин эгаллашдир ҳамда ҳамкорликда муҳим ўрин эгаллашдир.

Биз эҳтиёткорлик билан ҳамкорликдаги устунлигимизни рақобатдаги устунлигимиздан кўра кўпайтиришимиз, оширимиз керак. Мақсадга эришиш йўли аниқ қадамлар ҳодимларнинг янги қирраларини очишга ёрдам беради, ва келажакдаги ҳамкорлик учун янги ғоялар кенг фикрлар ҳамда, бирликда бунёд этиш методологияларини ўз ичига қамраб олади.

5. Қулай муҳит, шароит ва фикрлар хилма – хиллигини ташкил этиш. Oxfamга қандай қилиб инновацион ғоялар келиб қолишини кузатадиган бўлсангиз бу кутилмаганда тўсатдан пайдо бўлишини кўрасиз. Агарда ташкилот мурракаб бўлса ва ўзаро боғланган бўлса Oxfam кўпроқ ташаббускорликда бўлади. Янгиликлар яратиш муҳитини шакллантириш ва тўғри йўналиш олиш учун раҳбарнинг роли муҳимдир лекин, бу энг баланд энг паст кўрсаткичларни белгилаб қўяди ва бошқаришга урғу бериши ҳам мумкин. Ташкилотларда ўзгаришлар қилиш янги нормаларни пайдо қилиш муҳимдир янги нормалар албатта ҳодимлар, ҳамкорлар ва бошқарув тизимига ўз таъсирини кўрсатади, ва бу ҳодимларнинг кенг кўламда янги тизим учун қаттиқ ишлашни таъминлайди .

## Хулоса

Ушбу тақдимот мураккаб глобал ўзгаришларни ва иқтисодий ўсишда инновациянинг таъсирини ифодалайди. Катта ташкилотлар ўсиши учун инновация салоҳиятини ошириш лозим. Oxfam учун балки инновация фондларини ташкил этиш керакдир. Янги раҳбарнинг янги мураккаб назарияси

---

<sup>30</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 89.



кўллаб – қуватлашга муҳтож бўлади ва бу ташкилот одатларига ҳам таъсир кўрсатади ҳамда фақат ишчилар кўламини камраб олади.

Инновация ҳамкорликдаги ишлаб чиқаришда муаммога ечим топа олишдан кўриниши лозим. Бизнинг ютуқларимиз эмас балки жамоавий ишимиздаги кенг кўламли ўзгаришлар инновациядир.

Сиз инновацияни компаниянинг барча муаммоларини ҳал қилиб берувчи омил сифатида кўя олмайсиз. Сиз ташкилотнинг ютуғи учун қаттиқ ишлашингиз керак. Турли хилдаги босқичлардан биридан кейингисига ўтиш мобайнида ташкилотларда инновация яратишга эҳтиёж пайдо бўлади ва кўлами кенгаяди. (ПаулХарвейнингмақоласида бунга алоҳида тўхталган)

### **Назорат саволлари**

1. Интеллектуал мулк ва капитал деганда нима тушунилади ва улар қандай шаклланади?
2. Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳуқуқий муҳофазаси қандай таъминланади?
3. Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси деганда нимани тушунади?
4. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш борасида давлат сиёсатининг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011
2. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
3. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582)
4. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management.
5. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bpcbookshop.co.uk](http://www.bpcbookshop.co.uk)
6. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 155. [info@idrc.ca](mailto:info@idrc.ca)/[www.idrc.ca](http://www.idrc.ca)

### **Интернет сайтлари.**

1. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)

2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
4. [www.stability.uz](http://www.stability.uz)
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: [maryann.feldman@unc.edu](mailto:maryann.feldman@unc.edu), University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill ([thadji01@email.unc.edu](mailto:thadji01@email.unc.edu));  
London School of Economics ([t.e.kemeny@lse.ac.uk](mailto:t.e.kemeny@lse.ac.uk));
8. University of North Carolina, Chapel Hill ([llanahan@email.unc.edu](mailto:llanahan@email.unc.edu))
9. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)

### **3-мавзу. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми. Инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларининг ўрни.**

#### **Режа:**

3.1. Инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларининг ўрни.

3.2. Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими. Инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

3.3. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми.

**Таянч иборалар:** Инновацион фаолият. Инновациянинг ахборот – коммуникация технологиялари. Инновацион бошқарув. Инновацион стратегия. Инновацион лойиҳалар. Инновацион самарадорлик. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш.

#### **3.1. Инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларининг ўрни.**

Ахборот-коммуникация соҳасининг ўрни ва аҳамиятини таърифлашда унинг камида икки таркибий қисмини телекоммуникация (алоқа) ва ахборот яратиш соҳаларини ажратиб қараб кўриш лозим. Шунда ушбу икки элементни ахборотлаштириш соҳасидаги кўпгина адабиётларда келтирилган тавсифи барчага равшан бўлади<sup>31</sup>. Яъни кўплаб адабиётларда бу икки тушунча ханузгача айри ҳолда ўрганиб келинди. Лекин, замонавий шароитда бундай ёндашув фақат у ёки бу алоҳида олинган соҳани яққа ҳолда тавсифлашга мосдир. Масала шундаки, бугунги кунда ахборот-коммуникациянинг ушбу икки муҳим элементини амалда ажратиб бўлмайди, чунки ахборот-коммуникациялари алоҳида элементлар йиғиндиси тариқасида кўриб чиқилмайди. Шу сабабли у бир бутун ўзаро боғлиқ организм сифатида кўриб чиқилади ва албатта, шундай бўлиши лозим.

Узоқ вақт давомида Ўзбекистонда алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари бири-биридан айри ҳолда ривожланиб борди. Алоқа соҳаси ўз хизмат турларининг фойдаланилиш белгисига қараб сунъий равишда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш шаклларга ажратилиб қаралди, бутун ахборотни яратиш соҳаси эса, алоқа соҳасидан алоҳида ҳолда шаклланди. Уларни бошқаришнинг ташкилий тизими ҳам айнан шундай тарзда тузилган эди: алоқа ва телекоммуникация соҳаси Алоқа вазирлигига (кейинчалик Почта ва телекоммуникациялар агентлигига) бўйсундирилган эди, компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари ривожига эса, Фан ва техника давлат кўмитаси (ФТДК) томонидан бошқариларди.

Техника ва технологияларнинг мукамал бўлмаганлиги натижасида ахборот ишланиши корхоналар ва тармоқларнинг йирик ҳисоблаш марказларида амалга оширилган ва у ерга эса, электрон ҳисоблаш машиналарида тайёрланган маълумот олдиндан юборилган. У ерда маълумотлар қайта ишланиб, ҳужжат кўринишида

<sup>31</sup> Масалан: Основы экономики телекоммуникаций (связи). Под. ред. М.А. Горелика и Е.А. Голубицкая. М., «Радио и связь». 1997 й., 6-14-бетлар. Информационные технологии управления. Под. ред. Г.А. Титоренко. М., ЮНИТИ, 2002 й., 6-12-бетлар.

истеъмолчиларга етказилган. Ахборотларнинг бундай тарзда ишланишига сабаб, ҳисоблаш марказлари асосан Фақат бухгалтерия ва статистикага оид оммавий ахборотларни қайта ишлаган. Электрон алоқа эса фақат ёрдамчи вазифани бажарган. Шу тарзда республикада улкан, аммо, фойдаланиш учун айниқса, тезкор вазифаларни бажаришда ўта ноқулай бўлган улкан ҳисоблаш марказлари пайдо бўлди.

Лекин, шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши маълумотларни ишлаш соҳасида ҳақиқий инқилоб ясади. Энди ҳар бир ахборот ишлаб чиқарувчи ўзи уни машинага киритиб, қайта ишлай бошлади. Ҳисоблаш марказларига бўлган эҳтиёж умуман йўқолди. Ривожланган мамлакатларда буни аллақачон тушуниб етдилар, шу пайтда эса, улкан ва қовушимсиз маъмурий-буйруқбозлик тизими одат бўлиб ҳолган ташкилий тузилмалардан – ҳисоблаш марказларидан, яъни иш жойлари, бюджет ва маошдан кечишни хоҳламаган.

Ривожланаётган мамлакатларда нисбатан янгилик тизимлари бўйича назарий баҳслар инновацион тизимлари илғор мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий шароитига асосланган. Натижада, расмий ташкилотлар ва муассасалар таъсирига учраб, ривожланишнинг назарий асосларига путур етказиши мумкин. Бу борадаги тортишувлар ривожланиш учун инновацияларни мустаҳкамлаш йўлларини, жумладан, турли контекстларда мослаштириш учун айрим имкониятлар кўламини кенгайтиради. Шу билан бирга, иқтисодиётни ривожлантириш ташкилотлар ва муассасалар мувофиқликда ҳаракатини мовҳумлаштиради. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ривожланаётган мамлакатларда инновацион фаолият кўп жиҳатдан норасмий келишувлар томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий муҳитда содир бўлади<sup>32</sup>.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши ва чет эл илмий-техника ахборотларига кенг йўл очилиши билан республикадаги ҳисоблаш марказлари тез суръатларда йўқола бошлагани бежиз эмас. Шахсий компьютер ҳар бир иш жойида, ҳар қандай идорада, бошқарув тизимида одатий ҳолга айланди. Табиийки, аввалига компьютер матн териш машинасининг электрон турини эслатарди. Лекин, аста-секин компьютерларнинг дастурлари такомиллашиб борди ва энг асосийси, компьютерларда катта ҳажмдаги маълумотларни жуда кичик ахборот тўпловчи қурилмаларда сақлаш имконияти туғилди. Ушбу ахборотларни алмашилиш масаласи пайдо бўлди. Бир корхона доирасида бир неча компьютернинг ўзаро алоқасини таъминловчи маҳаллий (локал) ахборот тармоқлари юзага келди. Кейинчалик бутун инсоният маълумотлар базасини ўзаро боғловчи халқаро Интернет тармоғига уланиш эҳтиёжи туғилди. Табиийки, бунга фақат республиканинг электрон алоқа соҳасидаги технологик ютуқлари ҳисобига

---

<sup>32</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. "Innovation and the Development Agenda". International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 44-45.

эришилди. Шундан сўнг соҳанинг ўзи, мазмунан янги алоқа тури бўлганлиги сабабли телекоммуникация деган янги номни олди.

Давлат муассасаларига иштироки минтақавий даражадаги маълумотларни йиғиш учун иштирок усуллари билан фойдаланилади, кашфиёт ёки таҳлил илмий жамоаларни жалб этиш тобора аниқ бўлиб кенгроқ миқёсда тадқиқот янада кўчайган бўлади. Тадқиқотчи олимлар, сиёсатчилар ва маҳсулотдастурчилари ҳолати, тили, устувор вазифалари ва усуллари билан фойдаланади. Гуруҳлар билан бирга, бир қатор ижобий натижалар ва муваффақият бор. Янги товар турлари ва ишлаб чиқариш усуллари ривожланишида иштирок этиш, янгича ёндашувлар кенг қабул қилинди<sup>33</sup>.

---

<sup>33</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 22.

Алоқа воситалари ва компьютерлар ҳақида сўз юритилганида ахборот-коммуникациялар фақат шу билан белгиланади деган нотўғри тасаввур туқилиши мумкин. Аслида бундай эмас. Булар Фақат янги йўналиш таъминланишига сабаб бўлувчи бошланғич техник элементлар ёки тузилмалардир холос. Аслида масала кенг қамровлидир, чунки ахборот-коммуникациялар янада кенгроқ фалсафий – «**ахборотлашган жамият**» тушунчасининг шартли бўлагидир. Саноати ривожланган мамлакатлар айти шундай жамият қурмоқда ва Ўзбекистон ҳам айнан шу йўналишда қадам босмоқда. Булар куруқ гап ёки йўналишни чиройли тавсифлаш эмас. Ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборотлашган жамият барпо қилиш Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, ҳукумат қарорлари мазмунидан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Энг асосийси шундаки, ахборот-коммуникация технологиялари ҳозир нафақат идораларда ва Бошқарув девонларида ишламоқда, балки улар республикамиз оддий фуқароларининг уйларига кириб борди ва ҳаётларининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Ахборот-коммуникацияларнинг жамият ва ҳар бир кишининг ижтимоий камол топишга таъсири унинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни катта эканлигининг муҳим белгисидир. Шунини кўшимча қилиш мумкинки, ахборот-коммуникациялар бизнинг турмушимизга кириб келар экан, уни тубдан ўзгартиради, шу билан бирга инсоннинг ўзи ҳам ўзгаради.

Бу соҳанинг ривожини мамлакат иқтисодиёти бошқа тармоқларининг ривожига ҳам катта туртки бўлди, АКТни ривожлантириш учун тегишли инфратузилма яратилди ва катта миқдордаги чет эл портфель инвестициялари жалб этилди, 200 дан ортиқ Хайтек компаниялар мамлакатда ўз филиалларини очди, 40 фоиздан ортиқ маҳсулотларнинг нодавлат секторида, махсус ҳудудларда ишлаб чиқарилишига эришилди.

Ҳиндистонда соҳа ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, мамлакатда дастурий таъминот индустрияси ташкил этишга алоҳида эътибор берилди, натижада соҳа умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 50 фоиздан зиёдини дастурий маҳсулотлар ташкил этади. Яна бир хусусият – мамлакатда фундаментал аниқфанларнинг тараққий этганлигидир. Бу ҳол ривожланган давлатларнинг соҳага оид марказларига кўплаб иқтидорли ёшларни ишга ва ўқишга жўнатишнинг имконини берди, шу сабаб хорижда ишлайдиган малакали ҳинд мутахассислари соҳа даромадига катта ҳисса қўшадилар.

Таъкидлаш лозимки, Ҳиндистонда соҳа ривожланишининг ўзига хос мезонлари мавжуд. Булар: фундаментал математиканинг тараққий этганлиги; соҳада дунё мамлакатлари орасида энг кўп инглиз тилини билувчи мутахассисларнинг концентрациялашганлиги; ҳукумат соҳанинг ривожланиши учун ҳулай солиқ имтиёзлари, жозибадор иқтисодий ва сармоявий шароитлари мавжуд бўлган махсус ҳудудлар, технопарклар яратганлиги билан изоҳланади.

Албатта, Ҳиндистон ёки бошқа давлатларнинг АТК ривожини бўйича тажрибасини Ўзбекистонга айланиб кўчириб бўлмайди, зеро, мамлакатимизнинг ислохотлар ва ривожланиш бобида ўз йўли бор. Аммо, бу жаҳоннинг илғор тажрибасини четлаб ўтиш дегани эмас. Бу тажрибадан мамлакат иқтисодий, миллий, ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенг фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон айланиб мана шундай тажрибаларга асосланиб, ахборотлашган жамият қурмоқда. Шу билан бирга жамиятда туб сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳатто энг узоққўл ёки тоғли ҳудудларидаги ҳар бир фуқаросини нафақат оламшумул жараёнлардан хабардор, балки ўзини уларнинг тўлақонли иштирокчиси деб ҳис этмоқда. У дунёнинг нариги чеккасидаги дўстларини фақат кўриш ва эшитиш ёки мулоқотда бўлиш билан чекланиб қолмай, у ҳам минтақавий, ҳам дунё миқёсида содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатишга муваффақ бўлмоқда. У энди шунчаки ахборот истеъмолчисигина эмас, уни (ахборотни) яратувчи, фан, техника ва жамиятдаги барча янгиликлар ҳосил қилинишида иштирокчи ҳамдир.

Шу тариқа, кенг умумфалсафий маънода ахборот-коммуникация соҳасининг тутган ўрни ва моҳияти Ўзбекистоннинг янги ахборотлашган жамият ҳолатига ўтиш шароитлари ҳамда барча соҳаларда демократлаштириш ва эркинлаштириш шарт-шароитларини таъминлаш билан белгиланади.

Ахборот-коммуникация ривожланган сари инсон ҳам ўзгариб боради. У сусткаш ахборот истеъмолчисидан уни ҳосил қилувчига айланади. Асосийси, у ахборот ҳосил қилиш жараёнининг фаол ҳамда чинакам иштирокчиси бўлиб қолди. Бу эса, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг маънавий ва миллий ўзлигини топишида муҳим элементдир.

Ўзбекистон тараққиётида ахборот-коммуникациянинг тутган ўрни ва аҳамиятининг иккинчи жиҳати иқтисодий соҳага дахлдир. Гап шундаки, алоқа воситалари орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди. У ишлаб чиқариш ресурси, инсонлар орасидаги алоқани таъминловчи ҳудудлар восита ҳисобланади. Шу сабабли халқ хўжалиги ва жамиятнинг ахборот узатиш тезлиги ҳамда сифатига бўлган талаблари анча ўсиб бормоқда. Шу билан бирга кўп сонли фойдаланувчилар учун ахборотнинг очиклигини таъминлаш бугунги кунда бозорнинг ушбу секторини ривожлантириш, иқтисодиётнинг ушбу соҳасини обрўсини ошириш ва инвестициялар жозиба-дорлигини таъминлаш учун бўлган ҳаракатда муваффақиятга эришишнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Бугунги кунда ахборот-коммуникациялар корхоналари даромадлари дунё ялпи маҳсулотининг уч фоизини, соҳа учун моддий-техникавий ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўшиб ҳисоблаганда эса, беш фоиздан кўп миқдорни ташкил этмоқда. Яқин йилларда эса ушбу кўрсаткич янада ўсиши кутилади. Бу борада янги ахборот технологияларининг салмоғи тезкор ортиб бормоқда. Масалан, ҳозирда симли телефон алоқаси телекоммуникация хизматлари бозори ҳажмининг 60 фоизини ташкил этиб, унинг дунёдаги йиллик ўсиш суръати 5-7 фоизни ташкил этмоқда, уяли алоқанинг эса, телекоммуникация бозоридаги

умумий салмоғи 20 фоиз бўлиб, ўсиш суръатлари 80-90 фоиз. Интернет хизматлари улуши 10 фоиз, лекин яқин йилларда бу кўрсаткич 30-33 фоизга ўсиши кутилади. Халқаро статистикага биноан ҳар йили Интернет тармоғига 150 миллион янги фойдаланувчи уланмоқда. Шуниси ҳам борки, бу кўрсаткич тобора ўсиб бормоқда.

Замонавий глобаллашув дунё иқтисодий тизими динамикасидаги сезиларли ўзгаришлар билан тавсифланади. Айниқса, охириги ўн йилликларда глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб бормоқда. Агар 1997 йилда оддий телефон алоқасидан фойдаланувчилар сони 800 млн. кишини, уяли телефон алоқасидан фойдаланувчилар тахминан 200 ва Интернетдан фойдаланувчилар сони тахминан 100 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2004 йилдаёқ ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири 1 миллиарддан ортиб кетди<sup>34</sup>.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирда Ўзбекистонда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, Интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш олдинги ўринга чиқмоқда. Шу йўналишда уларни дунё стандартларига етказиш мақсадида кенг қўламли чоратадбирлар кўрилмоқда. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун республикада зарур меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган – «Алоқа тўғрисида»ги, «Радиочастота спектри тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва ҳозирда амалда қўлланилмоқда. Ўзгариб бораётган бозор муносабатлари шароитида ушбу меъёрий -ҳуқуқий асос тўхтовсиз ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда.

Чет эллик шериклар ва ҳамкорлар кўмаги билан республикада телекоммуникациялар соҳасини техникавий қайта жиҳозлаш бўйича талай ишлар амалга оширилмоқда ва бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, аҳолига хизмат кўрсатишда буларнинг ўсиб бораётган аҳамияти намоён бўлмоқда. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ўсиб бормоқда, замонавий техника ва технологиялар татбиқ қилинмоқда, тармоқларни ривожлантириш ва замонавийлаштириш бўйича катта ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда республика телекоммуникацияларининг маҳаллий тармоғи икки мингдан ортиқ АЦ ва 1,9 миллиондан зиёд абонент рақамларини ўз ичига олади ва улардан 86 фоизи аҳолига тегишли. Станциялар қувватининг 86 фоизи ишлатилмоқда. Тармоқда 1,65 млн. дан ортиқ телефон линиялари хизмат кўрсатмоқда. Мамлакат ичидаги асосий йўналишларда оптик толали алоқа линиялари, кабелли ва радиорелели коммуникациялар хизмат кўрсатмоқда. Шу сабабли шаҳарлардаги абонентларнинг 98 фоизи ва қишлоқ жойлардаги абонентларнинг 32 фоизи халқаро ҳамда шаҳарлараро автомат алоқа тизимларига уланган. Барча вилоят марказларида шаҳарлараро ва халқаро электрон алоқа воситалари мавжуд. Аҳоли ва ҳудудларнинг 98 фоиздан зиёди давлат телевидениеси ва радиоси дастурларини қабул қилиш имкониятига эга. Шаҳарлараро тармоқлар каналларининг 60 фоиздан зиёди ва халқаро тармоқлар

---

<sup>34</sup> Гапоненко А.Л., Панкрусин А.П. Стратегическое управление. М., Омега-Л, 2004, 112-бет.



каналларининг 83 фоизи рақамлидир. Маълумот узатиш, шу қаторда Интернет тармоқлари ҳам ривожланиб бормоқда.

Уяли алоқа ва шахсий радиочақирув тармоқлари жадаллик билан ривожланмоқда. Уяли алоқа абонентлари 140 мингдан зиёд. Икки ер усти станциясида сунъий йўлдош орқали алоқа каналлари ишга туширилган, Интелсат ва Горизонт тизимлари ишлатилмоқда, компьютер ва ахборот технологияларини татбиқ қилиш дастурларини амалга ошириш жараёни тобора жадаллашиб бормоқда.

Ўзбекистон телекоммуникация тизимининг 28 та йўналиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатига чиқадиган тўғридан-тўғри халқаро каналлари мавжуд. Буларда оптик толали ва сунъий йўлдошли тизимлардан фойдаланилмоқда. Ушбу каналларнинг 83 фоиздан зиёди рақамлидир, бутун тармоқ нафақат ҳозирги пайтда, балки кейинчалик ҳам ҳозиргидан кўпроқ ахборот ўтказиш қувватига эга. Республиканинг барча вилоят марказларида электрон коммутация воситалари мавжуд. Республикада улкан муаммо ечилди – рақамли магистрал тармоқ юзага келтирилди, шу жумладан, оптик толали кабеллар, рақамли радиорелели алоқа тармоқлари қўлланилди. Айтиб ўтилган замонавий узатиш тармоғи 70 фоиз ҳажмда ишлаб турибди, республикада эса айни пайтда янги, айланма ва захира алоқа тармоқлари яратилмоқда. Ички ҳудудий ва станциялараро тармоқларда тобора кўпроқ оптик толали кабеллардан фойдаланилмоқда. Абонентларнинг тармоққа уланиши енгиллашиб бормоқда, шу жумладан, интеллектуал хизматлар ва симсиз алоқа техника воситаларини жорий этиш ҳисобига қулайликлар яратилмоқда.

Маълумот узатиш хизматини кўрсатувчи операторлардан 44 нафари Интернет хизматларини таҳдим этади. Ушбу тармоқда 7500 та абонентлик портлари ишга туширилган. Интернет тармоғи халқаро каналларининг маълумот ўтказиш қуввати ошириб борилмоқда, 2001 йил бошларига нисбатан 2003 йил 1 июлдаги ҳолатга кўра у 3,5 баравар оширилди ва 9 Мб секундига етказилди. Интернет тармоғига корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, олий ўқув юртлари, мактаблар, коллежлар ва лицейлар уланиб бормоқда. Улар тармоққа уланишни электрон почтадан фойдаланиш, ахборот хизматларининг маълумотлар банклари тизимларига кириш, виртуал хизматлардан фойдаланиш, турли ахборотлар алмашилиши кўринишида амалга оширмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ахборот-коммуникация тармоқлари ва воситалари – бу мамлакат иқтисодиётида алоҳида муҳим аҳамиятга молик, такомиллашиб бораётган комплексдир. Лекин, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу ҳали республиканинг ривожланиб бораётган иқтисодиёти эҳтиёжларига, Бошқарув соҳасининг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, хусусий шахсларнинг ўсиб бораётган талабларига тўла жавоб бермайди. Бунинг сабаби битта – соҳанинг жўшқин ривожланиши ҳам, чет эллик инвесторларнинг ёрдамлари ҳам республикага маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган чорак асрлик орқада қолишнинг ўрнини тезлик билан тўлдиролмайди. ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар кўп. Вақт тақозоси билан мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар, телекоммуникация соҳасининг, компьютер ва ахборот технологияларининг жадалликда янгиланаётганлиги билан боғлиқ бўлган вазифалар

юзага келмоқда. Ушбу вазифалар уларни кўриб чиқиш ва ечимини топиш учун янгича ёндашувларни талаб қилмоқда.

Булардан ташқари, Ўзбекистонда компьютер ва ахборот технологияларининг техник имкониятлари, гарчи замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш асосида жўшқин ривожланиш босқичида бўлса ҳам, уларни янгилаш ва замонавийлаштириш эҳтиёжи мавжуд, соҳанинг ташкилий тузилмасини ва Бошқарув тизимини тўхтовсиз такомиллаштириб бориш талаб қилинади. Тармоқда стационар телефонлар сони камлиги, телефон рақамларининг 100 киши ҳисобига олганда паст зичлиги сабабли республика ҳали дунё кўрсаткичларидан, Айниқса, бозор иқтисодиёти, саноати ривожланган мамлакатлардан орқада қолмоқда. Уяли алоқа ва Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони бўйича ҳам тахминан худди шундай аҳвол.

Давлат муассасалари ва идоралари даражасида амалга оширилаётган тадбирлар Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичлар яқин бир неча йил ичида реал ўсажагини тасаввур қилиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида телекоммуникация, компьютер ва ахборот технологиялари мамлакат иқтисодиёти самарадорлигини оширишда, одамлар фаолияти ва турмушини энг замонавий техник воситалар ва хизматлар билан таъминлашда янада кўпроқ ўрин тутишини билдиради.

Юқорида айтилганлар асосида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг куйидаги кутиладиган натижаларини умумлаштириш мумкин:

а) давлат бошқарувида татбиқ этилганда: давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро маълумотлар алмашинувида очиқлик ва ойдинлик киритади; очиқ фуқаролик жамияти куришга кўмаклашади; давлат Бошқаруви самарадорлигини оширади; жамият ва иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришларни кузатиш учун мутлаҳо янги имкониятлар яратади; давлат ҳокимияти ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги Бошқарув жараёнини яхшилади; давлат Бошқарувида харажатларни кескин камайтиради;

б) иқтисодий жараёнларга татбиқ этилганда: маҳсулот ва хизматлар таннархини камайтиришга кўмаклашади; маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигини оширади; ишлаб-чиқариш самарадорлигини ва хизматлар ҳажминини кўпайтиради; электрон савдоларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга имконият яратади; маълумотлар олиш ва уларни жўнатишга кетадиган молиявий харажатларни камайтиради; маълумотларни қисқа муддатларда ва сифатли олиниши натижасида хўжалик фаолиятининг самарадорлиги кўтарилади;

в) ижтимоий ҳаётда: аҳолини фуқаролик жамияти сифатида шаклланишига ёрдам беради; билим олиш учун янги имкониятлар яратади; тиббиёт хизмати сифатини кўтаради; маданий-маънавий меросни сақлаш имкониятини юксалтиради; аҳоли бандлигини ошириш ва қўшимча даромадлар олиши учун қулайликлар яратилади; инсонларга табиий офатлар ва ўзгаришларни олдиндан аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ахборот-коммуникация соҳасининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожининг ҳозирги босқичидаги роли ва аҳамиятини умумиқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилиб шундай хулосага

келиндики, бу соҳанинг бугунги кундаги бош вазифаси республикада ахборотлашган жамият шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратишдан иборатдир. Соҳанинг яқин истиқболдаги ривож мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда ахборот-телекоммуникацияларнинг жаҳон хўжалик тузилма-сига уйғунлашуви умумий қонуниятларининг амал қилиш тенденциялари билан асосланади. Яъни яқин истиқболда ахборот-телекоммуникация соҳасини ривожлантиришнинг умумий йўналишлари иқтисодиётни янада эркинлаштириш ҳамда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ва ахборот-коммуникация соҳасининг жаҳон хўжалик тузилмаларига уйғунлашувида юзага келаётган қонуниятларни инобатга олган ҳолда истиқболли тузилмавий ўзгаришларни таъминлаш учун ҳулай шарт-шароитни шакллантириш жараёнларига асосланади. Бунда замонавий технологияларга ўтиш, ахборот-коммуникация хизматларининг рақобатга қодирлиги юқори даражада бўлишини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш республикамизнинг ҳаётий муҳим муаммоси, унинг иқтисодий хавфсизлиги масаласи бўлиб олдинга чиқади. Мазкур ҳолда гап жамиятни ахборотлаштириш ва телекоммуникация воситалари билан таъминлашнинг шундай даражасига эришиш ҳақида бормоқдаки, токи у республикамиз иқтисодиётининг самарали ривожланишини ва унинг жаҳон хўжалик тизимига уйғунлашувини таъминласин.

### **3.2. Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими. Инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.**

Инновацион лойиҳа ҳам товар маҳсулоти ҳисобланади ва талабга қараб сотилади. Инновациялар бозорининг асосий товари — муаллифлик ҳуқуқига амал қилган ҳолда ва амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга мувофиқ расмийлаштирилган илмий-тадқиқот натижаси, илмий меҳнат маҳсулоти, шунингдек, ҳар қандай ахборот манбаида қайд этилган янги билимлар ёки қарорларни ўзида мужассам этган илмий-техник фаолият ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқарувчилар нафақат ўз лойиҳаларини фойда билан сотиши, балки ушбу лойиҳадан фойдаланувчилар ҳам қўшимча даромад олишлари мумкин<sup>35</sup>.

Ҳозирги вақтда илмий ишланмалардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини ошириш, фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш энг муҳим ҳамда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Биз давлат сектори фаолияти сифатида ривожлантириш учун илм-фан ва технология, мамлакат муаммоларини ишлаб чиқиш устида иш ривожланган мамлакат олимлари томонидан катта аҳамият берилади. Бу модел тез

---

<sup>35</sup> К.Шодиметов. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари. –Т.: “ILM ZIYO”. 2014. 28 бет

ўзгарувчан бўлади. Давлат сектори тадқиқот янги, халқаро фан инновацион тизимлари ва давом халқаро илмий-тадқиқот институтлари орқали, муҳим рол ўйнашни давом этади. Шу билан бирга, хусусий сектор муҳим рол янгилик ишлари қандай тушуниш орқали пайдо бўлади. ППП учун янги моделлар қўллаб-қувватловчи бир тартибга солиш иқлим, саноат, ҳатто бозор қобилияциз вазиятларда, ривожлантириш учун илм-фан инвестиция имконини беради, ривожланиб бормоқда<sup>36</sup>.

Иқтисодий ривожланишда инновацияларнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бориши шароитида, бу соҳадаги давлат бошқаруви, унинг ташкил этилиши ва олиб борилиши алоҳида муҳим масала бўлиб ҳисобланади<sup>37</sup>.

Инновацион жараёнда инновациялар самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Самарадорликни қуйидаги йўналишлар билан аниқлаш лозим:

1) техник самарадорлик — маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ер, меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш даражасини акс эттирувчи натурал ва қиймат кўрсаткичлари (ҳосилдорлик, энергия сифими, маҳсулот сифати, унумдорлик ва бошқ.) нинг мажмуи билан тавсифланади;

2) иқтисодий самарадорлик — таннарх, рентабеллик, ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромад ва фойда кўрсаткичлари, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти ва бошқа кўрсаткичларни акс эттиради;

3) ижтимоий самарадорлик — иш ҳақи фонди кўрсаткичлари, механизациялашганлик даражаси ва бошқа кўрсаткичлар билан тавсифланади;

4) экологик самарадорлик — тупроқнинг ҳосилдорлиги кўрсаткичлари, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ер майдонларининг камайтирилиши ва табиат муҳити ўзгаришининг бошқа омиллари билан аниқланади.

### **3.3. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми**

Давлатнинг кадрлар сиёсати жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий жараёнларидаги туб ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлиб, у қуйидаги жиҳатлари билан характерланади:

Биринчидан, ҳар бир жамият сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тизимга мувофиқ тарзда муайян кадрларни тайёрлаш механизмини яратади;

Иккинчидан, янги авлод кадрларини тайёрлаш нафақат ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этади;

Учинчидан, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши, бозор ислохотлари вазифаларини амалга ошириш жараёни доимо юксак малакали кадрларга эҳтиёж сезади. Жамиятнинг ривожини ва истиқболи кадрлар салоҳиятли билан бевосита боғлиқ бўлади;

<sup>36</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. "Science and Innovation for Development". © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 82.

<sup>37</sup> К.Шодиметов. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари. –Т.: "ILM ZIYO". 2014. 29 бет

Тўртинчидан, янги авлод кадрларининг малака даражаси, ҳаётий позицияси, сиёсий онги ва маданияти, улар фаолиятида амал қилаётган тамойиллар жамият ривожига бевосита таъсир кўрсатади;

Бешинчидан, жамият ривожига ва асосларининг ўзгариши билан кадрлар олдида кўйиладиган талаблар ҳам янгиланиб боради.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: **«одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда»** давлат бошқарув кадрлари алоҳида ўрин тутаяди.

### **Инновацион фаолият давомида:**

-сиёсатнинг бевосита давлат ва нодавлат бошқарув органлари масъул лавозимларида фаолият кўрсатувчи вакиллари фаолиятининг муҳим қисми бўлиб, улар:

-халқ хўжалиги тармоқ ва соҳалари учун турли тоифадаги мутахассислар, ходимларни тайёрлаш ва танлашда улар миқдорини белгилаш;

-мутахассислик ва ихтисосликлар рўйхатини ўрнатиш;

-уларга бўлган талаб даражасини аниқлаш, малакавий талаблар, стандарт ва меъёрларни ишлаб чиқиш, рағбатлантириш ва жазолаш усуллари ва умуман, давлат ҳокимияти ва қонунлари имкониятида бўлган барча воситалар ёрдамида давлат кадрлар сиёсатини амалга оширишга ҳисса қўшадилар.

Шунинг учун **«Инновацион соҳа кадрлар тизимининг асосий, халқ қилувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз халқи, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрлар ишлаши лозим»;**

**коцептуал** (давлат кадрлар сиёсатининг назарий асосларини ишлаб чиқиш);

**хуқуқий-меъёрий** (давлат кадрлар сиёсатининг қонуний асосларини яратиш борасида фаолият олиб бориш);

**ташкилий** (давлат кадрлар сиёсатига оид иш олиб борадиган органлар, кадрлар ишлари билан шуғулланадиган идоралар ва шу каби бошқа махсус институтлар фаолиятини ташкиллаштириш);

**технологик** (кадрлар иши усул ва услублари, шакллари ва ҳ.к. ) такомиллаштиришда фаол иштирок этади;

-шаҳс, жамият ва давлат манфаатларидан, демографик ва маданий-тарихий ривожланиш хусусиятларидан, шунингдек, моддий бойликлар, бандлик, ишсизлик, таълим даражалари ва бошқа омилларга эътибор қаратиб, ўз имкониятларидан, давлат кадрлар сиёсати самарадорлигини янада ошириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат мавқеини юксалтиришга ҳисса қўшади;

-сиёсатни амалга оширишда қуйидаги йўналишларнинг ривожланишига кенг эътибор қаратиши лозим:

замонавий кадрлар потенциалини шакллантириш ва унинг узлуксизлигини таъминлаш; кадрлар ҳуқуқий меъёрларини такомиллаштириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириб бориш;

кадрлар сиёсий онги юксалишини доимий равишда қўллаб-қувватлаш;  
-сиёсатни амалга оширишда қуйидаги йўналишларнинг ривожланишига кенг эътибор қаратиши лозим:

кадрларнинг иқтисодий фаолияти ва молиявий таъминоти учун имкониятларни узлуксиз ривожлантириш;

кадрларни маданий-маиший шарт-шароитлар билан таъминлаш ва уни давомий тарзда юксалтириб бориш;

кадрлар маънавий эҳтиёжларини қондиришни миллий ва умуминсоний қадриятлар, анъаналар, тамойиллар асосида бошқаришни тартибга солиш;

-сиёсатга оид ижтимоий-ҳуқуқий, функционал ва ташкилий-сиёсий муносабатларни қонуний такомиллаштиришда иштирок этиши даркор. Унинг эътиборида

профессional фаолият соҳаларининг давлат ва жамиятга хос алоҳида турларига доир давлат қонунларини қабул қилиш,

бунда давлат кадрлар сиёсати ва давлат хизматида бевосита алоқадор меҳнат шакллари билан боғлиқ, функционал аҳамият касб этадиган фуқаролар имкониятларининг тенглиги,

кадрларнинг малакавий, ишчанлик ва ахлоқий сифатлари, масъулияти ва компетенти,

кадрлар даврий янгиланиши ва изчиллигининг мувофиқлаштириб борилиши,

кадрлар барқарорлиги, кадрлар таркиби,

кадрлар тайёрлаш ва танлаш тизими, уларнинг ваколат ва бурчлари, партиявий холислиги, сиёсий бетарафлиги,

кадрларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланганлиги, хизмат карьераси учун имкониятларнинг очиклиги,

бошқарув тизими ва ходимларининг хизмат фаолияти ва хизмат ахлоқи устидан назорат (шу жумладан жамият назорати) каби тамойиллар етакчи аҳамият касб этади;

### **Таълим соҳасида:**

Миллий кадрлар тайёрлаш тизимининг сиёсий мақсадларидан келиб чиқиб, янги авлод кадрларини тайёрлашнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Эндиликда бу алоқаларни миқдор ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш лозим.

**Биринчидан**, олий таълим муассасалари битирувчилари бандлиги тўлиқ таъминланмаган.

Бунинг сабаблари:

иш берувчилар билан ҳамкорлик алоқалари, хусусан, кадрлар тайёрлаш йўналишларини танлаш, ташкил этиш ва битирувчилар бандлигини таъминлаш

бўйича шартнома муносабатлари қийинчиликлар билан ўрнатилаётганлиги, бунда иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг етарлича фаоллиги таъминланмаган;

худудлар (вилоятлар ва туманлар) кесимида олий таълим муассасасини тугатаётган ёш мутахассисларни ишга тақсимлаш ва йўллаш мумкин бўлган потенциал иш берувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардаги бўш иш ўринлари (олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжлар) ҳақида маълумотлар аниқ ва вақтида олинмайди;

олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришда ҳокимиятлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари (бўлимлари), савдо-саноат палатаси, агентликлар, меҳнат биржалари, ишончли вакиллар каби ёрдамчи-воситачилик тузилмаларининг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётир.

**Иккинчидан**, олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашда манфаатлар мувозанати асосида ижтимоий шериклик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳимлиги.

Бунинг ортида:

олий таълим хизматлари истеъмолчилари - потенциал иш берувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар тўғрисида маълумотлар банкни яратиш зарурати;

иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини доимий равишда аниқлаб бориш эҳтиёжлари;

потенциал иш берувчиларга тақдим этиш мақсадида битирувчилар ҳақида маълумотлар банкни шакллантириш;

иш берувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан кадрлар тайёрлаш, уларни ишга тақсимлаш ва жойлаштириш бўйича ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш механизмининг такомиллаштириш ва ҳуқуқий асослаш;

оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, радио-телевидение, электрон алоқа) орқали битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бориш, веб-сайтларга жойлаштириш;

потенциал иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасалар иштирокида бўш иш ўринлари (меҳнат) ярмаркаларини кўпроқ ўтказиш.

**Учинчидан**, олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашдаги ҳамкорликнинг муҳим йўналиши сифатида бошқарув кадрлари олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион корпоратив ҳамкорлик ўрнатиши керак.

Бундан мақсад:

ушбу тизимларнинг илмий, амалий, услубий, ахборот-коммуникация ва моддий-техник ресурсларидан ўзаро манфаатли ҳамда самарали фойдаланишни ташкил этиш;

фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш;

корхонанинг юқори малакали мутахассисларини инновацион гуруҳларга бириктириш;

таҳлил, экспертиза ва саралаш асосида намунавий мавзулар рўйхатини шакллантириш;

инновацион гуруҳни корхонанинг кадрларга бўлган эҳтиёжи, бўш иш ўринлари, технологик муаммолари тўғрисида маълумотлар билан таъминлаш;

битирув малакавий иши, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари, хўжалик шартномалари доирасидаги тадқиқотлар натижаларини амалиётга қўллаш учун корхоналарга тақдим этиш;

хўжалик шартномалари асосида бажариладиган ишларни молиялаштириш.

Ушбу механизм натижаларига кўра:

реал эҳтиёжга мувофиқ малакали, рақобатбардош кадрлар таъминоти йўлга қўйилади; профессор-ўқитувчилар стажировкадан ўтади, амалий билим ва кўникмалари янгиланади;

ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари такомиллашади, таълим ва тажриба сифати ошади;

битирувчиларни ишга жойлаштириш жараёнига иш берувчилар жалб этилади;

корхонанинг амалий муаммолари бўйича инвестицион лойиҳалар портфели шакллантирилади;

битирув малака ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари соҳа муаммолари ечимига йўналтирилади, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш имкониятлари кенгаяди;

бошқарувнинг инновацион тараққиёт йўлига ўтишига замин яратилади.

**Тўртинчидан**, эндиликда ҳудудларда кадрларнинг асосий истеъмолчилари бўлган иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг кадрлар тайёрлаш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш жараёнларини бурч ва ваколатлар, ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний тартибга солиш орқали аниқлаш зарур бўлмоқда.

**Бешинчидан**, вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимиятларида ўз ҳудудидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда янги иш ўринларининг яратилиши, олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжлар, олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши каби масалаларни тартибга соладиган механизмларни жорий этишни қонуний асосда шакллантириш мақсадга мувофиқ.

**Олтинчидан**, потенциал иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан тегишли олий таълим муассасаларига тақдим этилаётган бўш иш ўринлари (кадрларга бўлган эҳтиёжлар) ва буюртмалар ҳақидаги ахборотларнинг ишончлилиқ даражаси жуда паст. Ишга тақсимланган битирувчиларни ишга қабул қилмаслик ҳолатлари бўйича буюртмачи корхона, ташкилот ва муассаса бошқарув тизимлари ҳуқуқ ва бурчларини қонуний асосда қатъийлаштириш чоралари кўрилиши лозим.

**Еттинчидан**, потенциал иш берувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳудудлар бўйича рўйхатини тайёрлаш ва маҳаллий



ҳокимиятлар кўмагида тегишли олий таълим муассасаларига тақдим этишни қонуний масъулият сифатида йўлга қўйиш муҳим бўлмоқда.

**Саккизинчидан**, корхона ва ташкилотлар, ҳудудий статистика ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлинмаларининг кадрларни ишга жойлаштириш ва меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориши жараёни устидан ижтимоий назорат ўрнатиш.

### **Маҳаллий ҳокимият органларида**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш соҳасидаги ваколати, масъулияти, кафолатлари ва жавобгарлиги статусларини белгилаш масалаларига эътибор кучайтирилиши даркор. Зеро, Президентимиз айтганларидек: **«Биз давлат қудратига ҳокимият ва бошқарув идораларининг сони ва миқёсига қараб эмас, аксинча, уларнинг иш тизими қанчалик самара бераётганига, улар фаолиятининг қонуний асослари қай даражада шаклланишига қараб баҳо беришимиз лозим.»**

Бу масалада бугунги кунда:

қабул қилинаётган қонунларнинг жойларга етказилишида муайян камчиликлар мавжудлиги;

қонун ҳужжатларини ҳисобга олиш, тизимлаштиришда белгиланган талабларга риоя этмаслик ҳолатларининг учраётганлиги;

қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг жойларга етказилиши ва уларнинг ижроси таъминланиши ҳамда ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар талаб даражасида ишлаб чиқилмаганлиги;

ижро интизоми амалиёти изчил йўлга қўйилмаганлиги, маҳаллий аҳамиятга молик масалалар юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга етарли эътибор берилмаганлиги;

қабул қилинаётган қарорлар салмоғи ва мазмун-моҳияти жиҳатидан қонун ҳужжатлари талабларини тўлақонли амалга ошириш учун етарли эмаслиги;

қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш хусусида тегишли таклифлар тақдим этиш амалиётининг айниқса халқ депутатлари Кенгашлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида яхши йўлга қўйилмаганлиги;

умуммажбурий хусусиятдаги айрим қарорлар ижроси амалдаги қонунчиликка тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилмаётганлиги;

халқ депутатлари Кенгашлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим норматив-ҳуқуқий хусусиятдаги қарорлари қонун талабларига жавоб бермаслиги;

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксариятида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг қоидалари шунчаки такрорланаётганлиги;

норматив хусусиятга эга бўлган айрим қарор лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш борасидаги фаолият етарли даражада эмаслиги;

конун хужжатларини аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, ўз ечимини кутаётган муаммоларнинг кўпайганлиги;

жойлардаги вилоят, шаҳар ва туман маҳаллий давлат бошқарув органлари юристлари фаоияти самарасининг пастлиги каби муаммоларнинг мавжудлиги.

Замонавий инновацион иқтисодиётни яратишнинг янгилиниш йўлидан бориб, мазкур фаолиятнинг фаоллашуви инсон омилига тўғридан-тўғри боғлиқ. Яъни бу юксак интеллектуал қобилият ва соҳа ходимларининг билим даражасига боғлиқ. Шу боис, мустақиллик йилларида ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида бўлгани каби таълим тизимини ислоҳ қилишдек мақсадли ишлар, шу жумладан, илмий ва илмий педагогик юқори малакали кадрлар тайёрлаш амалга оширилмоқда. Тан олмоғимиз керакки, илгари амалдаги икки поғонали илмий кадрларнинг аттестацияси, замонавий халқаро тан олинган иқтисодий ривожланган демократик мамлакатлар қабул қилган талабларга жавоб бермас эди. Фан номзоди илмий даражасининг берилиши, кўпинча, фан манфаатларидан узоқ ва ишлаб чиқариш жараёнларига алоқасиз бўлган, таъбир жоиз бўлса, мақсадсиз тарзда амалга ошириларди. 2012 йилда бир поғонали илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг олий малакасини аттестациядан ўтказиш тизими жорий қилинди. 2013 йил 1 январдан бошлаб, олий ўқув юртларидан сўнгги таълимнинг янги тизими докторлик диссертацияси тайёрлаш ва илмий даражаси ҳамда илмий унвони бериш киритилди.

Шунингдек, илмий кенгашлар фаолиятига ҳам катта эътибор қаратилади, улар кўпроқ етакчи олий ўқув юртларида тузилади. Улар нафақат олий малакали кадрлар ўчоғи, балки илмий изланиш ўтказиш маркази ҳам бўлиши керак. Бунинг барчаси инновацион иқтисодиётга ўтишни таъминлаш учун хизмат қилишга чақиради<sup>38</sup>.

Янги шериклик ва ҳамкорликдан қандай фойдаланиш керак?

ИКЕА асоси: кўп миллатли компаниянинг қандай қилиб шерикчилик асосида ишлаш, қийинчиликларни кутиш, ва уларни бартараф этиш учун стратегиялар ишлаб чиқишдаги ёндашуви

ДФИД Инновацион Маркази: ривожланаётган янги тармоқлардан тажриба ва дарслар ва анъанавий ривожлантириш соҳасида ташқи иштирокчилар билан ҳамкорлик

Гуманитар Инновацион Фонд: Молиялаштириладиган 65 дан ортиқ лойиҳалар тажрибасига асосланган, ГИФ инновацияни қўллаб-қувватлашга ҳамкорлик қилиш учун ҳаракат қилганда қандай қилиб стратегик бўлишда дарсларни улашади.

---

<sup>38</sup> К.Шодиметов. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истикболлари. –Т.: “ILM ZIYO”. 2014. 10 бет

Глобал Гивинг: Ёрдам берувчи ва олувчилар ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқиш, ёрдам билан таъминлаш учун янги турдаги бозорни шакллантириш

Инсон маъноли фикр билан қараганда, вакциналар ва нотўғри овқатланишга микромолиялаштириш ва пул ўтказмаларидан янги халқаро тараққиёт ишларининг қандай ўзгарганлигини кўради. Уларнинг барчаси шубҳасиз очик ва шерикчилик асосидаги тафаккур орқали келиб чиқади. Ҳамкорлик барча, кўпроқ ва кўпроқ "бу қилган" эмас, балки инновацион ривожлантириш "бўлиши керак".

Инсонлар ташкилотларни кенгайтирган коалицияларни ташкил қилишди. Албатта, бу фикр Глобал Бериш бутун фалсафаси остида ётади, деб одатдаги "ўрта ёшдаги эркалар" ёрдам беришини шакллантирадиган ёрдам бериш учун инновацион платформадир. Муваффақиятли шерикчилик одатда ҳам батафсил тайёргарлик, ҳам давомий музокарани талаб қилади. Бу ердаги мақолалар бизга айтишича, ёдда тутишга арзийдиган бир қанча муҳим кўрсатмалари мавжуд. Биринчидан, турли мавзуларда иштирок этадиган, тегишли ваколоти, идроки билан бирга ҳамкорлик учун асос аниқ бўлиши керак. Бу имкон қадар очик бўлган бир ноаниқ тушунчасига асосланган бўлиши керак эмас: ноодатий тахминларни келтирган вақтда муаммога ечим мавжуд бўлиши керак. "Параллел инновация"нинг тушунчалари бу ерда жуда аҳамиятли. ГИФнинг ҳиссасига бир неча мисоллардан гуманитар инновацион олимлар, жумладан, энг яхши материаллардан ўрганиш, ва қочқинлар лагери, сув ва санитария мутахассислари фуқаролик муҳандисларидан ўрганиш мисолларини ўз ичига олади.

Иккинчидан, мумкин бўлган шериклар ўртасида умумий асос ўрнатиш муҳим бўлиб ҳисобланади. ДФИД мисоли кўрсатишича, бу одатда қизиқишни уйғотадиган ва эҳтимолли ҳамкорларнинг келишувига эришадиган этҳиёткор вазифалар танлови орқали. Баъзида бу алоҳида гуруҳларни йиғиш учун ва уларни биргаликда ўйлаши учун кучга эга бўлган савол орқали туртки бўлади. Мисол учун, биз хароб кулбаларда сув хизматларини таъминлаш ишларини қандай яхшилаш оламиз? Бошқа ҳолатларда, бу мавжуд хизматлардаги узоқ муаммодир: мисол учун, нима учун жинсга асосланган зўравонлик давом этувчи муаммодир ва биз уни ҳал қилишни, яхшилашни удалай оламизми? Ва ниҳоят, баъзи ҳолатларда, у янгича тузилмалардаги технология ёки ечимнинг потенциалини ўрганиш ҳақида бўлиши мумкин: мисол учун, рақамли технологиялар сифати ошиб бораётган касаллик қидируви ва жавоби нималарни келтириши мумкин?

Учинчидан, инновация жалб қилинган турли иштирокчилар учун кўплаб имконият ва фоизларни келтириб чиқаради, ва бу камдан-кам ҳолатда мукамал келишилади, ИКЕА асоси ва Яхшироқ Уй-жой изланиши кўрсатишича. Самарали шерикчиликлар ресурслар учун қандай боғланиш, ҳал қилиш, ва рақобатлашовчи фоизларни қандай бошқариш сингари саволлардан чўчимайди. Тахминларни барвақт ўрнатиш, самарали шартномавий

келишувлардан фойдаланиш, ва инновацияларнинг юқори даражага чиқишидаги моделни аниқлаш – буларнинг барчаси бундай музокараларнинг муҳим жиҳатларидир. Бу ерда умумий вазифа шуки турли ҳиссадорлар муваффақиятнинг турли тасаввурларига эгадирлар. Гуманитар ва ривожлантирувчи ташкилотлар натижаларни қидириши мумкин; агар шерикчилик корпоратив ижтимоий масъулиятисиз бўлса, Хусусий соҳа аъзолари барқарор бизнес моделига муҳтождирлар; ҳукуматлар ҳисоб-китоб талабларига эришишлари ва сиёсий босимга жавоб беришлари кераклиги мумкин бўлади. Ҳал қилиниши керак бўлган ташкилот маданияти, тил, сезиш, рағбатлантирувчи омиллар, ва тўловларнинг турли хил масалалари мавжуд – ва бу мақолалардан аниқки самарали шерикчилик кейинроқ туғилган фикр билан эмас, илғор фикр билан иш кўради. Бу кўрсаткичларни муваффақиятли тарзда танлаш ва музокара қилиш учун шерикчиликга илғор ва пухта ёндашув учун аҳамиятлидир.

Аmmo буларнинг барчасида, шуни эсда тутиш лозимки шерикчилик инсонлар ва инсон муносабатлари ҳақидадир. Кўплаб муваффақиятли шерикчиликлар фақатгина расмий жараёнларнинг, тамойилларнинг, лойиҳа тузилмаларининг ёки маблағ билан таъминловчи шартномаларнинг натижаси эмас. Афзаллиги, улар жалб қилинган инсонлар ўртасида норасмий алоқаларни шакллантиради, ва шунга таянади. – ва ривожлантириш мақсадларига эришиш ҳақи учун бир томонда инцидуционал бирлашиш учун иштиёқ ва хоҳишларига ишонадилар.

Британнисадан Википедиагача? Анъанавий ривожлантириш иштирокчилари қандай қилиб инновация учун ҳамкорликни катализация қиладилар?

Жонатан Вонг Бирлашган Миллатларда Илм, Технология, ва Инновация Маслаҳатчиси, ва ХРқ(Халқаро Ривожлантириш кўмитаси)нинг собиқ бошлиғидир.

Кириш: инновациянинг ривожланиши учун муҳит ўзгармоқда

2012-йилда ривожланиш соҳасига келганда, соғлик ва хусусий соҳа инновациясидаги вазият билан, мен тизимдаги ўзгариш даражаси ва шубҳасиз давомийликдан тез-тез хайрон қолардим. Ривожланиш иштирокчиларининг тезкор ўсиш суръатидан ташқари бошқа ҳеч қаерда бу шубҳасиз. ХРқнинг илк инновацион марказини ташкиллаштирганда, мен “янги ўйинчилар” нинг сони билан келишганимни тушундим – кўпчилиги менинг аввалги иш жойларим сабабли таниш – улар ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш, кўшимча киритиш ва ундан қандай муваффақиятга эришиш мумкинлиги ҳақидаги изланишга фаол тарзда ўрнашишган. Тўрт хил турдаги иштирокчилар ҳақиқатда перспективимдан, ўзларининг потенциал ҳиссаларига биноан жойлаштирилди. Инвезорлар ҳам юқори ижтимоий таъсир, ҳам иқтисодий бурилиш қила олиш учун потенциалга эга бўлган инновация ва технологияларни қидиришаётганликлари ҳақида асослар мавжуд эди. ЖП Морганнинг ҳисобот беришича бу турдаги сармоя киритиш учун капитал

бозори 1трлн. долларгача ўсиши мумкин – ривожланиш ицакларини қўллаб-қувватлашга жалб қиладиган жуда катта янги молиялаштириш манбаси.

Бу янги баҳс мунозара эмас. Биргаликда ишлашнинг турли факторлари юзасидан жуда ҳам қўплаб суҳбатлар бў ўтди. Бунга қўшимча тарзда БМТ нинг ривожлантиришни кафолатлаш борасидаги глобал мақсадлари қуйидагиларни ўз ичига олади бу - Амалга ошириш воситаларини муцаҳкамлаш ва уни ривожлантириш учун қайта жонлантириш.

Мен биргаликда ишлаш борасида олиб борган изланишларим натижаси сифатида шу нарсани айтишим мумкинки бу ишни амалга ошириш қийин иш лекин буни осонлаштириш мумкин ҳеч бўлмаганда бироз. Бу учун қийинчиликнинг асосий факторларини яхши тушуниш керак. Бу борада мен учта асосий жиҳатни кўрсатиб ўтаман. Булар мен юқорида айтиб ўтган фактрлар, тил ва миллати.

Мисол учун, жамият олинган фойда ва живожланиш борасида гаплашса сорпорация эса бу муваффақият учун асосий омил бўлган фойдага тасир кўрсатаётган тасир ҳақида гаплашади. Ҳар бир жамият ўзининг дунё қарашига ва миллат , динига эга ва мен буни жаргон деб атайман. Тил ҳамда хусусий дунё қарашсиз яхшигина биргаликда иш юритишга эришиш қийин.

Биргаликда ишлаш тушунчасига келсак тор тушунчалар ҳам улкан муаммо ҳосил қилади. Жамиятнинг ривожланиши ананавий равишда хусусий секторга ишончсизликка эга, дунё муаммоларига ечим изловчилар ва инвещорлар яхшигина ҳурмат иззатга эга бўлсада улар ҳам бу қийинчиликка эга. Юқорирок даражада эса мақсадлар турли хилда бўлади ва яхши натижага эришиш ун мурса ишли танланади. Бироқ биргаликда ишлашга эришишда баҳам кўрилган мақсадлар аниқ, ўз механизмига эга, обектив бўлиши керак. Бу қийинчиликка барҳам бериш ун бизда бир қанча сай ҳаракатлар амалга оширилган. Булар янги механизмни шакллантириш, қайта кўриб чиқиш,янги баҳс мунозаралар олиб бориш, алоқаларни қайтадан кўриб чиқиш (бу эса малум бир партнёрлик амалга ошаётган пайтда бўлади). қуйида мен буларнинг базибир мисолларини кўрсатиб ўтаман.

Бизнинг инвестициямиз орқали СУВ ВА САНИТАР ГИГИЙЕН, WСУП(water санитатион урбан популатион) шаҳар қисми хусусий секторлар бн биргаликда глобал партнёрлар билан мулоҳаза қилиб кўрилди ва НГО ва изланиш инцитутлари бу муаммони аҳал қилиш учун изланишлар олиб борди. Бу давомий муаммолар пац фойда оладиган шаҳар аҳолиси учун етарли муаммо эди.

WСУП(water санитатион урбан популатион)диққатини шаҳар аҳолисига яроқли сувни етказиб бериш ва ривожлантирилган санитар ишларининг яроқли ва янги моделларини қандай амалга ошириш ишлари бн таништира бошлашди.

Схуни айтиб ўтиш жоизки WСУП нинг кўрасаткичлари қуйидагиларга етди: 1.86 миллион одамлар тоза сув ва яхши сув бн боғлиқ бўлган сервисларлар билан таъминланди,760,000 одам ривожлантирилган санитар

сервислари билан таъминланди ва 5,5 миллион одам гигиена машғулоти билан яқиндан таништирилди ва машғулоти ишлари олиб борилди.

Турли партнёрлар учун қаратилган иш ишриқлар ижтимоий соҳадаги ташаббускорликнинг ошиб кетишини таъминлади: мисол тариқасида айтадиган бўлсак хусусий сесторлар тижорат билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширсан, НГО эса академикларни ва экспертларни изланишга дават қилар ва изланиш институтлари ҳам бундан муқасса эмас эди. Бу борада амалга оширилаётган проектлар муваффақиятли амалга оширилди ва унинг бошлангиш нуқтасидан биргаликда иш олиб боориш ўз натижасини кўрсатди.

Гарчи WСУП нинг бундай амалга ошираётган ишлари миллионлаб инсонларга енгилликлар олиб келаётган бўлсада ва глобал мақсадларга ечим бўлаётган бўлса ҳам асосий қийинчилик ҳали ҳам ошиб боришда давом этмоқда.

WСУП ташкилоти ҳали ҳам янада аниқроқ ечим топиши учун яқиндан алоқаларни ўрнатиши ва бутун дунёдаги шаҳар аҳолисини сервис хизматлари ва юқори сифатли миллий ўсишни таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

Даромад келтирмайдиган сувни қисқартирилишининг асосий кучли мисолларидан бири қуйидагича: ишлатиладиган сув миқдори қайсики фойда келтирмайдган ёки физикал ишқотлишлар (кувурлар орқали ишлатиш) сабабли ёки молиявий ишқотишлар (каналлардан ноқонуний фойдаланиш ёки тўлов тўламасдан) сабабли бўлади. WСУП 2008 йилда жирама (мадагаскарда) ташкилоти билан сервис соҳаси бўйича профессионал шартнома имзолади, миллий сувнинг ишлатилиши ва пойтахт шаҳарнинг сервис соҳасини ривожлантиришга боғлиқ бўлган эди. WСУП шаҳарга қурилиш ишлари бўйича ёрдам беришга рози бўлди шу билан бирга НРВ даги самарасиз ишларга қисқартиришни кўзлаганди натижада эса шаҳарнинг пац даромадли соҳаларига сифатли етказиб бериш сервисини ишга қўйди. Улар ЖИРАМА ташкилотининг ёндашишлари ва ишларни амалга оширишдаги ўсишга гувоҳ бўлишди ва пац даромадли соҳалар ўзлари учун миқозлар базасини шакллантирганини ҳам кузатишди.

Бу ишлар пац даромад кўрувчи иқомолчилар нинг юқори фойдасига туртки бўлди: партнёрлик ишлари бошлангандан буён ярим миллиондан ошиқ инсонлар сифатли сув таъминоти билан таъминланди ва сув кун давомида доимий ишлатишга тайёр бу эса олдингидан 3 ёки 4 соат кўп дегани эди.

Қурилиш ҳажми ёмон эмас лекин у инсонларнинг ҳаёт тарзини яхши томонга муқалқ ўзгартириб юборди. Универсал ҳуқуқга эга бўлишда шу нарса қизиқарли эдики WСУП маҳҳалий сервис хизматлари тасирини қисқартирадимми агарда улар Мадагаскар бу ишларни биргаликда амалга оширишса. Биргаликда ишлашда инновация платформаси жуда ҳам керакли омил ҳисобланади ва бу турдаги партнёрлик турли хилдаги перспективаларни интеграллаштиради ва самарали олиб боришда олиб келади. Бу бундан ташқари шиддат билан ўсишнинг бир қонунига айланган. қайсики бирга ишловчи партнёрлар умумий ишналишга инвестиция киритишади ва ўзаро изланишлар

олиб боришади ва бу инвестиция киритишга таҳдид солувчи омилларни олдиқдан аниқлашга замин яратади.

Биргаликда иш олиб боришни ривожлантириш учун ва янги перспективаларга эришиш учун бир қанча ишлар маалгам оширилиши керак.

ДФИД кучайтиш программаси инжиқ иқтисодий қийинчиликларга қарши курашишда янгисга инновацион ечимларни топишга қаратилган

Бу беш йил давомида ўнта ривожланишга оид бўлган улкан муаммоларни ҳал қилишга қартилган ва бу очик, биргаликда иш олиб боориш принсипига асосланган бб ҳисобланади.

Кучайтириш ишлари кўпчилик билан биргаликда амалгам оширилади ва камчиликларни тузатиш, янги ғояларни жорий қилиш, муаммоларга ечим топишни ўз ичига олган.

Программа очик онлине мулоқот орқали амалгам оширилади ва ўзи учун жамият тузади ва бу 50,000 қатнашувчини ўз ичига олади. қатнашувчилар 4 босқичдан иборат бўлган жараёнда иш олиб боришади ва муаммолар фазасига ечим топишади изланишдан тортиб очик ғояларгача бўлган ишлар бажарилади булар қисқача рўйхатлаш ва кичик ўзгаришлар ҳамда якуний баҳолаш ва молиялаштириш.

Изланишларни қониқарли бўлишида бу онлине жамиятининг ҳар бир азоси муҳим рол ўйбайди ва ўз фикрларини бериб боришади бу эса самарали иш олиб боришга олиб келади.

Актларнинг турлилигига қарамасдан мен шундай ўйлайманки, изланишларни қондира олувчи саволларга ечим олиш мумкин гарчи бу анча мушкул бўлса ҳам. Бундай саволларни шарҳлаш осон иш эмас ва бу ривожланган партнёрликни талаб қилади. Бироқ умумий стратегияларнинг ёндашувлари ва баҳам кўрилувчи мотивациянинг яхшиланган манбаи бўла олади. Бу турдаги саволларга жавоб излашда жамоавий ишлашни яқозо қилувчи бирқанча саволлар мажмуи мавжуд, мисол қилиб айтадиган бўлсак: қандай қилиб турли гуруҳлар орасида инновацияни ташкиллаштириш?, қандай қилиб қийин муаммоларга ечим топишда турли хилдаги қарашларни шаклантириш?, қандай қилиб инновацион фаолиятни юқори шкалага яққа ҳолда кўтариш?. Бундай турдаги фаолиятларга яққол мисол бўла олувчи энг яхши мисол бу Буюк Британия, УСА, Швецария, Австралия ҳукуматлари ва Омидяр Тармоқ ларининг 2014- йилда партнёрлик асосида иш юритиши ва бунга Глобал Инновацион Фонд (ГИФ) ҳам аъзо эди. Сарфланадиган ва олинган капитални ишлатиш бўйича уч босқичли инновацияни ошириш уни тец қилиш ва молиялаштиришни таклиф қилади. Ривожланаётган давлатларда олдиндан кўриладиган инновациянинг фойдаси ва уларга бўладиган ижобий таъсирини амалгам оширувчи шахсларни қўллаб қувватлайди.

Фойда олишни мақсад қилмаган ташкилотлардан бири қайсики Лондонда ташкил этилган ташкилот ривожланаётган давлатларда яшовчи иллионлаб аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш учун? 125 миллион сарфлади. ГИФ ташкилоти доим барча инсонга яхши бўлиши учун хусусий секторлар ва бошқа

ташкilotлар билан яқин алоқада бўлади ва мос келувчи инновацион ишларни амалга оширади.

### **Назорат саволлари**

1. Инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларининг ўрни.
2. Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими.
3. Инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.
4. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011
2. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
3. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582)
4. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management.
5. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bcpbookshop.co.uk](http://www.bcpbookshop.co.uk).
6. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 155. [info@idrc.ca](mailto:info@idrc.ca)/[www.idrc.ca](http://www.idrc.ca)

### **Интернет сайтлари.**

1. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)
2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
4. [www.stability.uz](http://www.stability.uz)
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: [maryann.feldman@unc.edu](mailto:maryann.feldman@unc.edu), University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill ([thadji01@email.unc.edu](mailto:thadji01@email.unc.edu)); London School of Economics ([t.e.kemeny@lse.ac.uk](mailto:t.e.kemeny@lse.ac.uk));
8. University of North Carolina, Chapel Hill ([lhanahan@email.unc.edu](mailto:lhanahan@email.unc.edu))
9. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)



#### **4-мавзу. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши.**

##### **Режа:**

**4.1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши.**

**4.2. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари.**

**4.3. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.**

**Таянч иборалар:** Миллий инновацион тизим. Инновацияга асосланган иқтисод. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.

##### **4.1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши.**

Миллий инновацион тизимни шакллантириш концепцияси ўтган асрнинг 80 йиллар бошидан ривожлана бошлади. Бунда “миллий” сўзи тавсифи айнан “давлат” инновация тизими деган мазмунни англатади.

Турли мамлакатларнинг миллий инновацион тизими бир биридан фарқ қилади. Шу кунгача миллий инновацион тизимининг ягона таърифи мавжуд эмас. Шунингдек, турли мамлакатлар миллий инновацион тизими олдига турли мақсадлар қўйилиши мумкин. Францияда миллий инновацион тизимининг асосий вазифаси қўшимча иш ўринлари ташкил қилиш, Германияда илғор технологияларни ривожлантиришдан иборат, деб ҳисобланади. Бунда европалик экспертларнинг берган баҳоларига кўра, ҳар икки миллий инновацион тизимнинг умумий самарадорлиги деярли бир хил.

Инновация фаолиятининг ривожланишига на давлат тури, на сиёсий тадбирлар таъсир кўрсата олади. Инновация фаолияти федерал давлатларда ҳам (АҚШ, Германия), унитар давлатларда ҳам (Франция), конституцион монархия давлатларида ҳам (Буюк Британия, Голландия, Испания), шунингдек коммунистик тартибга эга давлатларда (Хитой) ҳам муваффақиятли ривожланаверади. Бунда умумийлик шундаки, хорижда инновацион жараёнларнинг ривожланиши барқарор сиёсий вазият ва барқарор фаолият юритаётган иқтисодиёт шароитида юз беради.

Миллий инновацион тизими концепцияси Европа иттифоқининг бир қатор аъзо мамлакатларида, шунингдек, АҚШ ва Японияда кенг ривожланган. Миллий инновацион тизими инновацион фаолият субъектлари мажмуидан, улар ўртасидаги билимларнинг юзага келиши, тарқалиши ва улардан фойдаланиш жараёнларини таъминлаб берувчи муносабатлардан ташил топади. Инновация тизимининг асосий элементлари қаторида инновация инфратузилмаси, молиявий инфратузилма, илмий салоҳият каби кичик тизимларни санаб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳар бирида тадқиқотларни молиялаштиришнинг асосий қисми (100%гача) бюджет манбаларидан (ҳам

федерал, ҳам минтақавий бюджетлардан) амалга оширилади.

#### **4.2. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари.**

Ривожланишнинг инновацион тизимида миллий инновацион тизимни шаклланиши алоҳида эътиборни талаб қилади. Миллий инновацион тизим тушунчаси инновацион иқтисодиётнинг муҳим белгиси сифатида фанга ХХасрнинг 70-йилларида кириб келди.

К.Фриманнинг фикрига кўра, миллий инновацион тизим – жамият томонидан ичстеъмол қилинадиган янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларнинг яратилишидаги янги билимларни ишлаб чиқишда, сақлашда, тарқатишда ва янги технологияларга айланишида қатнашадиган иқтисодий субъектлар ва ижтимоий институтларнинг (кадриятлар, меъёрлар, ҳуқуқларнинг) мураккаб тизими ҳисобланади<sup>39</sup>.

Технологик изчиллик қонуниятларини ва унинг тарихий мантиқий кетма-кетлигини ўрганадиган эволюцион иқтисодий назария “техник иқтисодий прадиigma” ва “технологик траектория” тушунчаларига асосланади. У макродаражадаги иқтисодий ўсиш бир томондан турли-туманликка ва ноаниқликларга, иккинчи томондан эса микродаражада иқтисодий жараёнларни бир-бирига уйғунлаштириш, мутаносибликни таъминлаш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштиришга боғлиқлигини қайд этади.

Инновацион ривожланиш концепцияси Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР), Жаҳон банки ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг ташаббусига кўра кенг ривожланмоқда. Мазкур халқаро институтларнинг ташаббуси билан кейинги йилларда бир қатор аналитик тадқиқотлар амалга оширилдики, уларнинг тадқиқотлари миллий иқтисодиётни анъанавий индустриал иқтисодиётдан билимга, илмга асосланган постиндустриал иқтисодиётга тарнсформация жараёнларига бағишланган.

Глобал миқёсда кечаётган тенденциялар мамлакат, унинг минтақалари, барча фаолият соҳалари, биринчи навбатда, фан-техника ва инновациялар соҳасини янада ривожлантириш сценарийларини ишлаб чиқишда албатта ҳисобга олиниши лозим. Илмий-техник ва инновацион фаолиятни кучайтириш, юқори технологияли ва кўп илм талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, юқори технологияли укладга ўтиш Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида кириб боришидан умид қилишга имкон берадиган зарур шартлардан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг ривожланиши билан фан ўсиш тенденциялари ва ўзига хос қонунларига, иш усуллари, техника ва технологияларига, меҳнатни ташкил қилиш тизими ва тамойилларига, махсус тайёрланган кадрларга эга бўлган инсон фаолиятининг мустақил бир соҳасига айланди. Бу бошқа кўпчилик

---

<sup>39</sup>Freeman C. Technology Policy and Economic Performance. L.: PrinterPublishers, 1987. 570 p.

соҳалардан фарқли равишда, ўсиш чегарасини билмайдиган, доимий равишда ривожланиб борадиган соҳадир. Шу билан бирга, фан соҳаси учун ажратиладиган ресурслар – меҳнат ресурслари, молиявий ресурслар ва моддий ресурслар – маълум бир чегарага эга. Айнан ресурслар чекланганлиги бу ресурслардан илмий-техник фаолиятнинг устувор йўналишлари ва турларида мақсадли фойдаланишга йўналтириш тактика ва стратегиясини ишлаб чиқишга мажбур қилади.

Таълим ва янгилик учун инновацияион динамикаси ва оқибатларини ўзгартириш муҳим ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда билимга асосланган иқтисодиёт ва глобаллашув инновацияларнинг доимий ўсиш динамикасида қайт этилади<sup>40</sup>.

Илмий фаолият (илмий-тадқиқотчилик фаолияти)- янги билимлар олиш ва қўллашга йўналтирилган фаолият, жумладан:

➤ фундаментал илмий тадқиқотлар – инсон, жамият ва атроф-муҳит тузилиши, фаолияти ва ривожланишининг асосий қонуниятлари ҳақида янги билимлар олишга йўналтирилган экспериментал ёки назарий фаолият;

➤ амалий илмий тадқиқотлар – асосан амалий мақсадларга эришиш ва муайян вазифаларни ҳал қилиш учун янги билимлар қўллашга йўналтирилган тадқиқотлар.

Илмий-техник фаолият (ИТФ) – технологик, муҳандислик, иқтисодий, ижтимоий, гуманитар ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг умумий (яхлит) тизим сифатида фаолият юритишини таъминлаш учун йўналтирилган фаолият.

Экспериментал ишланмалар – илмий тадқиқотлар ўтказиш натижасида ёки амалий тажриба асосида олинган билимларга асосланган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлигини асраш, янги материаллар, маҳсулотлар, жараёнлар, қурилмалар, тизимлар ёки усуллар яратиш ва уларни янада такомиллаштиришга йўналтирилган фаолиятлир.

ИТФ алоҳида турларга тақсимланади. Улар ўртасидаги чегара шартли ҳисобланади ва уларни ажратиш қийин бўлади. Бунинг устига, ИТФда банд бўлганлар унинг бир тури билан тобора камроқ чегараланмоқда. Масалан, олим ва ихтрочи “фан – ишлаб чиқариш – истеъмол” бутун циклида иштирок этиши мумкин.

ИТФ нафақат натижалари илмий тадқиқотлар ва конструкторлик ишланмалар ҳисобланган соҳани (ИТТКИ), балки лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари, ишлаб чиқариш аппарати, хўжалик тармоқлари ва саноатнинг ушбу ютуқлардан фойдаланиш қобилиятини, жумладан, бунинг учун зарур билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш қобилиятини ўз ичига олади. ИТФ тоифаларини тавсифлашга бундай ёндашув ИТФ бошқаруви учун методологик

---

<sup>40</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 50.

жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, чунки унга амал қилган ҳолда бошқарув ва ташкилот объектлари янги техника ва технологиялар яратиш, ишлаб чиқариш ва қўллашнинг барча босқич ва шаклларида ўзаро боғлиқликда бўлиши лозим. У амалда “фан – ишлаб чиқариш – истеъмол” цикли ҳақидаги тасаввурдан узвий бирликда фойдаланиш имконини беради.

Бундай ёндашув шу жиҳатдан ҳам маҳсулдор ҳисобланадики, у инсон фаолиятининг ҳар хил турдаги ва даражадаги илмий-техник комплексларни шакллантиришни асослаб бергунга қадар ушбу соҳасини ташкил қилиш шаклларини изоҳлаб ва асослаб беради.

Фан билим олиш, таълим, маданий, ижтимоий, ҳарбий ва бошқа бир қатор функцияларни бажаради. Бироқ товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан иқтисодий функция асосий функциялардан бирига айланмоқда. У бошқа барча фаолият соҳаларида муайян меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликнинг асосий омилига айланади. Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда меҳнатни тежаш фаннинг ўзидаги меҳнат сарфига боғлиқ. Бу боғлиқлик фан соҳасига жамият учун зарур бўлган харажатларни шакллантириш объектив эҳтиёжини асослаб беради. Меҳнатни тежаш қонунийлиги қанчалик кучли бўлса, жамиятда меҳнат ва ресурсларнинг шунчалик катта қисми фанни ривожлантиришга йўналтирилиши лозим, демак, илмий билимлар қиймати ўсади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўп илм талаб қилиши, хўжаликнинг кўп илм талаб қиладиган тармоқлари пайдо бўлиши ва ривожланиши тенденцияси ўсишининг назарий асослари шундан иборат бўлиб, бу бошқарувнинг турли поғоналарида илмий-техник ва инновацион сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга оширда албатта ҳисобга олиниши зарур.

Фаннинг бевосита маҳсули – тушунчалар, назарий конструкциялар, моделлар ва янги билимлар таркибидаги бошқа ахборот бўлиб, мутахассислар томонидан бир хилда тушунилиш ва ўзлаштиришни таъминлайди.

Фаннинг бевосита маҳсули товарга айланмайди – у янгилик сифатида намоён бўлади.

Фан маҳсули ёки интеллектуал маҳсулот икки хил йўл билан – бозорда ва бозордан ташқарида сотиш йўли билан фойдаланилиши мумкин. Агарда интеллектуал фаолият маҳсулоти бозорда сотиладиган бўлса, бу ҳолда у янгиликлар тоифасидан инновациялар тоифасига ўтади.

Фанни бозор муносабатлари тизимида жалб қилиш учун ҳозирги пайтда оралик натижа – илмий-техник маҳсулот – шартнома шартларига мувофиқ яқунланган, бозор нархларида сотиладиган, буюртмачи томонидан қабул қилинган ИТТКИ натижаси ҳисобга олинади. «Янгиликлар киритиш» («инновация») атамаси охириги 15-20 йилдан бери илмий адабиётларда ва амалий фаолиятда кенг қўллана бошлади.

Янгилик кирити (новшество) бу – бирон-бир фаолият соҳасида унинг самарадорлигини ошириш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг расмийлаштирилган натижасидир.

Янгилик киритиш – фан ва техника ютуқларидан бозорда амалий фойдаланиш бўйича фаолиятнинг оралиқ якунигина, холос. Янгилик киритиш интеллектуал маҳсулотнинг қуйидаги турларидан бири сифатида қайд этилиши ва расмийлаштирилиши мумкин: ихтиро, тушунча, илмий ёндашув, янги тамойил, стандарт, тавсия, услубият, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот (технология, бошқарув ёки ишлаб чиқариш жараёни, ташкилий, ишлаб чиқариш ёки бошқа структура) ҳужжатлари, патент, рационализаторлик таклифлари, кашфиётлар, «ноу-хау», маркетинг тадқиқотлари натижалари ва ҳ.к. Янгилик киритиш атамасининг синоними ҳисобланган новация тушунчаси илгари мавжуд бўлмаган биронта янгиликни ифодалайди.

«Янгилик киритиш» ва «новация» тушунчалари билан «тадқиқот», «ихтиро» ва «кашфиёт» тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Илгари маълум бўлмаган маълумотлар олиш ёки илгари маълум бўлмаган табиат ҳодисаларини ёки инсоният муҳитини кузатиш жараёни тадқиқот деб аталади.

Ихтиро бу – янги ускуна, механизм, восита, технология, усул ва инсон томонидан яратилган бошқаларда ўз аксини топадиган тадқиқот натижасидир.

Кашфиёт бу – тадқиқотларнинг, эҳтимол, қўшимча натижаси ҳисобланади. Кашфиётлар ва ихтиролар қоидага кўра, фундаментал даражада юзага келади ва камдан-кам ҳолларда яқка шахслар томонидан амалга оширилади. Улар тасодифан рўй бериши ва фойда олиш мақсадини кўзламаслиги ҳам мумкин.

Янгилик ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимига жорий қилинганидан сўнг бозорда истеъмол қилинадиган янги маҳсулотга айланади ва уни сотишдан иқтисодий, ижтимоий ёки бошқа турдаги самара олинади, - у янги тоифага – инновацияларга айланади.

Адабиётларда «инновация» атамасига берилган кўплаб таърифларни топиш мумкин. Бироқ, тадқиқотчиларнинг ушбу иқтисодий тоифага алоҳида эътибор кўрсатишларига қарамай, илмий ғоя ҳалигача «инновациялар» тушунчасининг ҳам назария, ҳам амалиёт талабларига жавоб берадиган, шунингдек, уларни амалга оширишнинг муайян субъекти – давлат, минтақа, тармоқ ва корхона нуқтаи назаридан тўғри бўладиган универсал таърифини ишлаб чиқмаган.

«Инновациялар» атамасини янги иқтисодий тоифа сифатида фанга австриялик (кейинчалик америкалик) олим Йозеф Шумпетер XX асрнинг биринчи ўн йиллигида киритган. Ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси» номли асарида (1911й.) Й.Шумпетер илк бора ривожланишда ўзгаришларнинг янги комбинациялари масалаларини (яъни инновация масалаларини) кўриб чиқди ва инновацион жараёнга тўлиқ тавсиф берди.

Й. Шумпетер ривожланишдаги беш хил ўзгаришни ажратиб кўрсатди:

- 1) янги техника, технологик жараёнлар ёки ишлаб чиқаришнинг янгича бозор таъминотидан фойдаланиш;
- 2) янги хусусиятларга эга бўлган маҳсулот жорий қилиш;
- 3) янги хомашёдан фойдаланиш;

4) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унинг моддий-техника таъминотида ўзгаришлар;

5) янги сотув бозорларининг пайдо бўлиши.

У иқтисодиётда новатор-тадбиркор марказий фигурага айланишини исботлаб берди. Й.Шумпетерга кўра, инновация бу – истеъмол товарларининг янги турлари, янги ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари, янги бозорлар ва саноатда ташкилотлар шакллари жорий қилиш ва фойдаланиш мақсадидаги ўзгаришлардир.

Инновацион стратегия бу – жамият ривожланиши йўналишига мувофиқ технологияларда ҳам, технологияларни бошқаришда ҳам янгиликлар киритишни танлаш ва амалга ошириш тизимларини ўзгартириш жараёнини белгилаб берадиган қоидалар ва меъёрлар тўпламидир. Инновацион стратегиянинг энг олий вазифаси – инновацион жараён қатнашчиларининг манфаатлари ва турли йўналишдаги жараёнларни максимал даражада уйғунлаштириш ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати миллий иқтисодиётда инновацион ўзгаришларни амалга ошириш суръатларини жадалаштиришни талаб этмоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки чуқур, самарали инновацион стратегияни амал қилиши мамлакат иқтисодий ва табиий омилларидан оқилона фойдаланиш орқалигина амалга ошириш мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт инновацион шаклланиши энг аввало иқтисодий ўсишни таъминловчи тармоқлар ҳисобига юз беради, бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини хом ашё экспорт қилишини камайтириш билан бирга уни қайта ишлашни ривожлантиришга, валюта маблағларининг тежалишига, аҳоли бандлигининг ошишига сабаб бўлади. Ушбу омиллар ўз навбатида инновация стратегиясини амалга ошириш мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамланишига олиб келади

#### **4.3. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлар**

Илмий тадқиқот - янги билимларни ишлаб чиқиш жараёни, билиш фаолияти турларидан бири. Унга объективлик, ишонччилик, аниқлик хос. Илмий тадқиқот ҳамма шартларга амал қилиб такрорланганда ҳамيشа бирдек натижа бериши, баҳс этилаётган масалани исботлаши лозим. Илмий тадқиқот бир-бири билан боғланган икки қисм — тажриба ва назариядан иборат. Илмий тадқиқотнинг асосий компонентлари: мавзуни белгилаш, мавжуд ахборотни, тадқиқот соҳасидаги шарт-шароит ва методларни, илмий фаразларни олдиндан таҳлил этиш, тажриба ўтказиш, олинган натижалар-ни таҳлил этиш ва умумлаштириш, келиб чиққан фаразларни олинган далил-лар асосида текшириш, янги факт ва қонунларни ифодалаб бериш, илмий башорат юритиш. Илмий тадқиқотларни фундамен-тал ва амалий, микдорий ва сифатий, ноёб ва

комплекс тадқиқотларга аж-ратиш кенг тарқалган. Илмий тадқиқотларнинг метод ва тажрибалари фаннинг ўзидаги-на эмас, балки кўпгина иқтисодий ва ижтимоий масалаларни қал қилишда ҳам кенг қўлланилади.

Илмий тадқиқот институтлари — фан, техника, ишлаб чиқариш соҳаларида илмий тадқиқот олиб борадиган муассаса. Дастлаб 19-аср охири 20-аср бошларида вужудга келган. 1888 йил Парижда Пастер институти, 1909 йилда Радий институти ташкил этилган. 20-асрнинг бошларидан назарий масалалар билан бирга техника, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш бўйича муҳим муаммолар устида тадқиқотлар олиб борувчи турли Илмий тадқиқот институтлари пайдо булди. 20-асрнинг ўрталарига келиб Илмий тадқиқот институтлари кўп мамлакатларда илмий фаолиятни ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб қолди. Ўзбекистонда асосий назарий муаммолар илмий тадқиқот ишларининг мувофиқлаштириш маркази — Ўзбешстон Фанлар академиясида тадқиқ этилади. Билимнинг муайян соҳаларини тадқиқ этувчи ва бевосита вазирликлар, давлат қўмиталарига буйсунувчи тармоқ Илмий тадқиқот институтлари ҳам мавжуд. Ўзбекистонда биринчи илмий тадқиқот муассасаси — Тошкент астрономия ва физика обсерваторияси (ҳоз. Астрономия институти) 1873 йилда ташкил этилган. 2000 йилда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ Илмий тадқиқот институтлари ишлади.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши.
2. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари.
3. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011
2. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
3. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582)
4. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management.
5. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bcpbookshop.co.uk](http://www.bcpbookshop.co.uk).
6. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500,





## Интернет сайтлари.

1. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)
2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
4. [www.stability.uz](http://www.stability.uz)
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: [maryann.feldman@unc.edu](mailto:maryann.feldman@unc.edu), University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill ([thadji01@email.unc.edu](mailto:thadji01@email.unc.edu));  
London School of Economics ([t.e.kemeny@lse.ac.uk](mailto:t.e.kemeny@lse.ac.uk));
8. University of North Carolina, Chapel Hill ([lhanahan@email.unc.edu](mailto:lhanahan@email.unc.edu))
9. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1 - амалий машғулот: Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни, инновацион жараён моделлари ва қонуниятлари.**

Дарс шакли баҳс-мунозара. Ишнинг мақсади тингловчиларда инновацион ривожланишнинг моҳияти, инновацион иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳлкама этилади:

1. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни.
2. Билимларга асосланган иқтисодиёт ва унинг хусусиятлари.
3. Инновацион жараён моделлари ва амал қилиш қонуниятлари.

#### 🔗 **Муҳокама учун саволлар**

**Назорат саволлари:** Инновацион ривожланиш. Билимларга асосланган иқтисодиёт. Инновацион жараён. Инновацион модел. Инновацион мойиллик. Янгиликка интилиш. Инновацион барқарорлик.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011
2. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
3. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582)
4. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management.

5. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. "Science and Innovation for Development". © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bcpbookshop.co.uk](http://www.bcpbookshop.co.uk).

6. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. "Innovation and the Development Agenda". International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 155. [info@idrc.ca](mailto:info@idrc.ca)/[www.idrc.ca](http://www.idrc.ca)

### **Интернет сайтлари.**

1. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)
2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
4. [www.stability.uz](http://www.stability.uz)
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: [maryann.feldman@unc.edu](mailto:maryann.feldman@unc.edu), University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill ([thadji01@email.unc.edu](mailto:thadji01@email.unc.edu)); London School of Economics ([t.e.kemeny@lse.ac.uk](mailto:t.e.kemeny@lse.ac.uk));
8. University of North Carolina, Chapel Hill ([llanahan@email.unc.edu](mailto:llanahan@email.unc.edu))
9. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)

**2-амалий машғулот: Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳаракатланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш.**

**Дарс шакли: Дебат усули. Ишнинг мақсади** интеллектуал мулк ва капиталнинг шаклланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш борасида муаммоларни илгари суриш ва муҳокама этиш. Бунда илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш, илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялашдаги тўсиқлар борасида дебат уюштирилади.

#### **Қуйидаги масалалар ўртага ташланади:**

- Интеллектуал мулк ва капиталнинг шаклланиши.
- Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш.
- Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш борасида давлат сиёсати.
- Замонавий инновацион стратегиялар ва инновациялар маркетинги.

**Назорат саволлари:** Интеллектуал мулк. Интеллектуал капитал. Интеллектуал ишланмалар. Интеллектуал бойликнинг ҳуқуқий муҳофазаси. Интеллектуал мулк ҳимояси. Интеллектуал мулкни бошқариш. ИТИларни тижоратлаштириш. Илмий кашфиётлар. Ихтиролар . Лицензиялаш .

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011
2. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
3. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582)
4. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management.
5. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bcpbookshop.co.uk](http://www.bcpbookshop.co.uk).
6. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 155. [info@idrc.ca](mailto:info@idrc.ca)/[www.idrc.ca](http://www.idrc.ca)

### **Интернет сайтлари.**

1. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)
2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
4. [www.stability.uz](http://www.stability.uz)
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: [maryann.feldman@unc.edu](mailto:maryann.feldman@unc.edu), University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill ([thadji01@email.unc.edu](mailto:thadji01@email.unc.edu)); London School of Economics ([t.e.kemeny@lse.ac.uk](mailto:t.e.kemeny@lse.ac.uk));
8. University of North Carolina, Chapel Hill ([llanahan@email.unc.edu](mailto:llanahan@email.unc.edu))
9. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)

### **3-амалий машғулот: Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми.**

Дарс шакли: Кейс - стади.

Кейс-стади – Ўзбекистонда инновацион фаолият: бошқариш-ўзгариш-натижа.

Муҳокама қилинадиган масалалар:

#### **1. Тарихий аспектлари.**

а) инновацион иқтисодиётга йўл тутилиши.

б) ўзгаришлар (илмий салоҳият, технологик ўзгаришлар, ишлаб чиқариш жараёни)

## **2. Ўзгариш омиллари.**

2.1 Инсон интеллекти риожига бўлган янгича сиёсат:

а) инновация кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган ўқувлар, малака ошириш.

в) иш сифатини бошқариш.

с) коммуникация, мотивация.

д) кадрларни жалб қилиш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, шартларини ўзгартириш.

е) маълумотлар банкини шакллантириш.

ж) касаба уюшмаси билан муносабатларни шакллантириш.

з) меҳнатга ҳақ тўлаш сиёсати.

## **3. Ўзгариш натижалари**

а) инновация орқали ички бозорни ҳамда ташқи бозорни эгаллаш учун ҳаракатлар.

б) янгича ўзгаришларни доимий олиб бориш.

с) меҳнат унумдорлигини ошириш.

д) меҳнат ҳақини ошириш.

е) олинган фойда инсон ресурсларни илхомлантириш (мотивация) ҳамда ишнинг натижаларига қизиқиш орқали амалга оширилганлигини тан олиш.

**Назорат саволлари:** Инновацион фаолият. Инновациянинг ахборот – коммуникация технологиялари. Инновацион бошқарув. Инновацион стратегия. Инновацион лойиҳалар. Инновацион самарадорлик. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011

2. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.

3. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582)

4. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management.

5. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bcpbookshop.co.uk](http://www.bcpbookshop.co.uk).

6. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500,

### Интернет сайтлари.

1. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)
2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
4. [www.stability.uz](http://www.stability.uz)
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu);  
London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)

#### **4-амалий машғулот. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши.**

**Ишнинг мақсади** содир бўладиган амалий вазият ва ундан чиқиб кетиш, мақсадга мувофиқ ечимини топишга қаратилган. Бу борада қуйида кейс орқали масала кўриб чиқилади.

#### **Кейс.**

Амалий вазият. Инновацион тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
  2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
  3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
  4. Маслаҳатчи уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
  5. Ёки бошқача йўллари топасиз.
1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши.
  2. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари.
  3. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш

истикболлари.

**Назорат саволлари:** Миллий инновацион тизим. Инновацияга асосланган иқтисод. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истикболлари.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойтадилар. Шунингдек дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Тавсия этилаётган адабиётлар**

1. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
2. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582)
3. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management.
4. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bcpbookshop.co.uk](http://www.bcpbookshop.co.uk).
5. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 155. [info@idrc.ca](mailto:info@idrc.ca)/[www.idrc.ca](http://www.idrc.ca)
6. Corresponding author: [maryann.feldman@unc.edu](mailto:maryann.feldman@unc.edu), University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill ([thadji01@email.unc.edu](mailto:thadji01@email.unc.edu)); London School of Economics ([t.e.kemeny@lse.ac.uk](mailto:t.e.kemeny@lse.ac.uk));
8. University of North Carolina, Chapel Hill ([llanahan@email.unc.edu](mailto:llanahan@email.unc.edu))

### **Интернет сайтлари.**

1. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)
2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
4. [www.stability.uz](http://www.stability.uz)
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: [maryann.feldman@unc.edu](mailto:maryann.feldman@unc.edu), University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;

7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu);  
London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)



## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### БИРИНЧИ НАМУНА.

Мавзу: Инновацион фаолиятни бошқариш.

Дарс шакли: Кейс - стади.

Режа

Кейс-стади – Ўзбекистонда инновацион фаолият: бошқариш-ўзгариш-натижа.

#### 1. Тарихий аспекти.

- а) инновацион иқтисодиётга йўл тутилиши.
- б) ўзгаришлар (илмий салоҳият, технологик ўзгаришлар, ишлаб чиқариш жараёни)

#### 2. Ўзгариш омиллари.

2.1 Инсон интеллекти риожига бўлган янгича сиёсат:

- а) инновация кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган ўқувлар, малака ошириш.
  - в) иш сифатини бошқариш.
  - с) коммуникация, мотивация.
  - д) кадрларни жалб қилиш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, шартларини ўзгартириш.
  - е) маълумотлар банкини шакллантириш.
  - ж) касаба уюшмаси билан муносабатларни шакллантириш.
  - з) меҳнатга ҳақ тўлаш сиёсати.
- #### 3. Ўзгариш натижалари
- а) инновация орқали ички бозорни ҳамда ташқи бозорни эгаллаш учун ҳаракатлар.
  - б) янгича ўзгаришларни доимий олиб бориш.
  - с) меҳнат унумдорлигини ошириш.
  - д) меҳнат ҳақини ошириш.
  - е) олинган фойда инсон ресурсларни илхомлантириш (мотивация) ҳамда ишнинг натижаларига қизиқиш орқали амалга оширилганлигини тан олиш.

### ИККИНЧИ НАМУНА.

Мавзу: Иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновация типига ўтиш муаммолари

Машғулот шакли: Кейс-стади

Режа

#### I. Мавзунинг умумий тавсифи.

#### II. Амалий вазият бўйича вазифларни юклатиш.

2. Инновацион ўзгаришларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон ва хориж тажрибасини таққослаш ҳамда хўжаликларнинг ривожланишда инновация дастурини шакллантириш таклифини ишлаб чиқиш иқтисодиётни

ривожлантириш инновация йўлига ўтишдаги дастлабки шарт шароитларни изохлаш.

3. Соҳалар бўйича инновацион ривожланишни қарор топтиришда ресурс имкониятларини баҳолаш.

4. Ривожланишнинг инновацион типи бўйича қуйидагилар аниқланиши керак.

- инновацияни баҳолаш услуби
- инновациялаш даражаси.
- инновациянинг натижавийлиги.

### **III. Тингловчиларга услубий кўрсатмалар бериш.**

1. Гуруҳларга ажратиш (3-4 киши 1та гуруҳга бириктирилади).

2. Гуруҳлар юклатилган топшириқ бўйича ўз жавобларини намойиш этади. 1 гуруҳнинг жавобини бошқа гуруҳлар эшитиб боради ва фикрларнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги юзасидан (танқидий) мулоҳаза юритади.

3. Гуруҳ аъзолари ёки бошқа гуруҳдагиларнинг фикр-мулоҳазалари объектив баҳоланади. Ҳимоя қилинаётган таклифларга иштирокчиларнинг қўшилиши ёки «қўшилмаслиги» аниқ далиллар билан исботлаб берилиш керак.

4. Жавоблар кўпроқ амалиётдаги вазиятларга асосланган ҳолда бўлишига асосий эътибор берилиш талаб этилади.

5. Тренер ва гуруҳдаги тингловчилар ҳар бир гуруҳ чиқишларида келтирилган фикр-мулоҳазалар юзасида яқуний хулосалар чиқаради.

### **УЧИНЧИ НАМУНА.**

#### **Мавзу: Инновацион тизим ташкилий тузилмалари**

**Машғулот шакли: Гуруҳлар динамикаси**

Мақсадли гуруҳ: Олий таълим профессор-ўқитувчилари

Машғулотнинг умумий мақсади: Инновацион гуруҳларни шакллантиришга кўникма ҳосил этиш

Машғулот мақсади: Қуйидагилар бўйича муҳокама ўтказилади:

■ Инновацион гуруҳларнинг моҳияти ва уни шакллантириш мезонларини муҳокама этиш.

■ Гуруҳда ташкилий тузилмани ўзгартириш заруратини аниқлаш.

■ Самарали ташкилий тузилма тузиш учун таклифлар ишлаб чиқиш

■ Инновация лойиҳасида ходимлар ваколати ва масъулиятини аниқлаш.

■ Гуруҳларда аниқ йўналиш бўйича ташкилий тузилмани муҳокама этиш

■ Ҳар бир гуруҳ томонидан билдирилган мулоҳаза ва таклифлар юзасидан хулоса бериш.

Машғулот давомида инновацион гуруҳларда изчил ташкилий тузилмани мақсадга мувофиқ шакллантириш назарда тутилади. Ўқитувчи тингловчиларга муҳокама этилаётган масала юзасидан гуруҳларга маслаҳат бериб боради. Ўқитувчининг асосий эътибори тингловчиларда қўйилган амалий ўйин

вазифасини тўғри тушуниш ва ҳаётий тажрибадан келиб чиққан ҳолда амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган бўлиши керак.

Гуруҳлардаги тингловчилар амалий иш фаолиятида ташкилотнинг ички ва ташқи алоқалари хусусиятлари, бундай алоқаларнинг ташкилотнинг ички ҳолатига таъсири ва бу таъсир ташкилий тузилмада қандай акс этиш ташкилот муваффақиятли фаолиятини таминлаш учун самарали ташкилий тузилмани шакллантириш устидан мунозара юритишлари лозим.

### **Машғулот ўтказиш тартиби.**

Машғулотда иштирок этадиган тингловчилар соҳалар бўйича кичик гуруҳларга ажратилади. Ўқитувчи кейс стади машғулоти талабларини тушунтиришдан олдин тингловчилар билан қуйидаги масалалар бўйича фикр алмашади (45 мин):

1. Инновацион гуруҳлар ташкилий тузилма бўйича олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида фикр алмашиш (10 мин).

2. Инновацион ташкилий тузилмаси борасида қисқача ахборот бериш (10 мин).

3. Турли йўналишга тааллуқли гуруҳлар билан бўладиган алоқаларини аниқлаш борасида мунозара (5 мин).

Тингловчилар билан фикр алмашиш якунланиб, кейс машғулотининг шартлари бажарилади:

а) Гуруҳларда муҳокама этиладиган саволлар:

1. Белгиланган хизмат вазифалари миқёсидаги алоқаларни аниқ ифодалаб беринг.

2. Қандай вазифалар ва тадбирларни жамоа билан мувофиқлаштириш зарур ва қандай масалаларни лойиҳа раҳбари ўзи ҳал қилиши керак деб ҳисоблайсиз?

3. Инновацион лойиҳа иштирокчилари штат жадвалини қисқартириш ёки кенгайтириши зарурлигини асослаб беринг.

4. Қандай ташкилий тузилма лойиҳа бўйича қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса беринг.

б) амалий вазиятлар бўйича мунозаралар мақсади ва вазифасини тушунтириш.

в) гуруҳларда амалий вазият муҳокамасини уюштириш.

г) Гуруҳлар фаолиятидаги мулоқотга кўмак бериш.

■ Гуруҳларда ишлаш, амалий вазият муҳокамаси бўйича гуруҳлар фикрини ишлаб чиқиш (25 мин).

■ Амалий вазият топшириқлари бўйича тақдимот (20 мин).

■ Тақдимот натижалари умумлаштириш ва муҳокама ўтказиш (10 мин).

### **ТУРТИНЧИ НАМУНА.**

**Мавзу: Инновацион фаолиятида иқтисодий бошқарув стратегияси.**  
Машғулот шакли: Кейс стади

Машғулот мақсади тингловчиларда инновацион ривожланишнинг келажак истиқболини излаб топиш учун зарур бўлган тадбирлар кўламини ишлаб чиқишлари борасида кўникма ҳосил қилиш:

- ташкилот истиқболини белгиловчи стратегияни ишлаб чиқиш;
- ташкилотнинг имкониятлари доирасида ички ва ташқи омилларни аниқлаш;
- ташкилот фаолиятига таъсир этувчи салбий ҳолатларга баҳо бериш;
- ташкилотнинг истиқболдаги стратегиясини амалга ошириш бўйича кўникмани шакллантириш.

#### **Амалий машғулот тавсифи.**

1. Мавзу ҳақида тингловчилар билан қисқача баҳс мунозара юритиш (15 дақиқа)

Баҳс мунозара жараёнида ўқитувчи тингловчилар эътиборини инновацион тараққиёт тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас қисми эканлигига қаратиш лозим. Чунки, тадбиркорлик 3 та муҳим пойдевор асосида курилади: шахсий қобилият, иқтисодий манфаат ва ташкилий бошқарув маҳорати.

2. Тингловчиларни кичик гуруҳларга ажратиш.

3. Мавзу бўйича кичик гуруҳларга вазифалар қўйиш:

■ Ташкилотнинг инновацион тараққиёт натижалари ҳолати бўйича аниқ мисолларда изоҳлаб бериш;

■ Инновацион ривожлантириш қобилиятини қандай шакллантириш керак деб ҳисоблайсиз?

■ Инновацион соҳа кадрларини бошқариш бўйича таклифларингиз.

4. Кичик гуруҳларда ишлаш жараёни. Ўқитувчи кичик гуруҳлар фаолияти давомида қўйилган вазифаларни бажаришлари юзасидан маслаҳат бериб боради.

5. Гуруҳлар чиқишини муҳокама этиш. Бунда навбатма-навбат кичик гуруҳлар ўз хулосаларининг тақдимотини аудиторияга ҳавола этади. Бошқа гуруҳдагилар муҳолиф сифатида баҳсда иштирок этадилар.

6. Якуний хулоса чиқариш.

Ўқитувчи яқунловчи хулоса чиқаришидан олдин ҳар бир гуруҳнинг кучли ва заиф томонларини айтиб ўтади. Келтирилган фикр юзасидан тингловчилардан қайта жавоб олади (10 дақиқа).

Мунозара тугагач ўқитувчи мавзу бўйича эришилган натижалар юзасидан хулоса чиқаради.

#### **БЕШИНЧИ НАМУНА.**

##### **Кўпбосқичли баҳс-мунозара ва фаол амалий ўйин.**

**Мавзу: Инновация лойиҳаси кам натижасизлиги рискинни олдини олиш йўллари**

Машғулот шакли: Гуруҳларда ишлаш

Мақсадли гуруҳ: Олий таълим профессор-ўқитувчилари

Пировард мақсад: Инновация лойиҳаси натижасизлиги рискли ҳолатини олдини олиш борасидаги амалий тажрибаларни ошириш ва кўникма ҳосил этиш

Машғулот мақсади: Қўйидагилар бўйича муҳокама ўтказилади:

- Инновацион лойиҳанинг умумий тавсифи ва хусусиятларини урганиш
- Инновацион лойиҳа доирасида ички ва ташқи алоқаларини кўриб чиқиш
- Инновацион лойиҳанинг молиявий аҳволини таҳлил этиш ва муҳим ёки заиф томонларини аниқлаш

- Қўшимча молиявий захираларни излаб топиш ва аниқлаш усуллари борасида кўникма ҳосил этиш

- Инновацион лойиҳа ходимларининг мажбурияти, масъулияти ва ваколати доирасини қайта кўриб чиқиш

- Инновацион лойиҳанинг натижавийлиги ҳолатини юксалтириш дастурини яратиш

- Гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган таклифлар юзасидан хулосалар яшаш

#### Машғулотнинг умумий тавсифи

Машғулот давомида инновацион лойиҳанинг натижавийлиги ҳолатини юксалтириш стратегиясини ривожланиш хусусиятига нисбатан ишлаб чиқиш ва хулоса бериш назарда тутилади. Тингловчилар машғулот давомида назарий билим савиясини текшириб, зарурий билим даражасини оширишга интиладилар. Машғулот давомида юритилган бахс-мунозара сунг мустақил муҳолиф фикрлар юритилади. Тингловчилар гуруҳларга мақсадли ажратилади ва гуруҳларда ишлаш жараёнида инновацион ривожланиш стратегияси ишалб чиқилади. Гуруҳларнинг якуний хулосаси умумлаштирилиб, тегишли пировард хулосага келинади.

#### Машғулот утказиш тартиби

А. Машғулот юритувчи тингловчиларнинг назарий билимларини текшириш ва савияни янада юксалтириш мақсадида қўйидагилар бўйича бахс-мунозара юритади (1 соат 20 дақиқа):

- Инновацион лойиҳанинг натижавийлигини таъминлашда вужудга келадиган ҳолат

- Инновацион лойиҳанинг натижавийлиги ҳолатини юксалтириш омиллари

- Лойиҳа иштирокчилари, улар имкониятларининг заиф ва кучли томонлари

- Молиявий таъминот муаммолари

В. Тингловчилар маълум соҳа доирасида иқтисодий вазиятни изоҳлаб беради. Бу босқичда гуруҳларда ишлаш учун шерик излаб топиш мақсад қилиб қўйилади. Натижада, машғулот иштирокчилари фикрлар бирлиги ёки қарама-қаршилигига қараб маълум гуруҳга бўлиниш имкониятига эга бўладилар. Бунда мавзу бўйича қўйилган топшириқни малакали бажариш учун шерик

(инновацион фаолият жараёнида кадр танлаш)ни тўғри топиш борасида куникма ҳосил этиш имкониятини яратади. (50 дақиқа).

С. Тингловчиларни гуруҳларга ажратиш. Бунда машғулот юритувчи, бир томондан, тингловчилар хохишини инобатга олади, иккинчи томондан, қўйилган вазифани бажаришда гуруҳ имкониятини ҳисобга олган ҳолда гуруҳларни ташкил этиш борасида тавсиялар беради (10 дақиқа).

Д. Амалий ўйин шартларини тингловчиларга тушунтириш ва вазифани юклатиш (10 дақиқа).

Тингловчилар қўйидаги масалалар бўйича гуруҳларда ишлаши ва тегишли хулосалар ишлаб чиқиши талаб этилади.

Е. Гуруҳларда амалий вазият муҳокамасини уюштириш. Машғулот юритувчи муҳокама этилаётган масала юзасидан гуруҳларга маслаҳат бериб боради. Гуруҳлар амалий вазият муҳокамаси бўйича гуруҳ фикрини ишлаб чиқади (30 дақиқа).

Ж. Амалий вазият топшириқлари бўйича гуруҳлар тақдимоти (40 дақиқа).

З. Тақдимот натижалари муҳокама этиш ва якуний хулоса ясаш (10 дақиқа)

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### 1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

*Мустақил иш* – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларида бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

*Мустақил иш* - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

#### ***Мустақил ишнинг турлари ва тизими:***

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив ( рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2.Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;

- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф хулосаси;
- иш натижаларини қўланиш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутди:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиш;

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулидан мустақил таълимни

ташқил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташқил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

## **2) Мустақил таълим мавзулари.**

“Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. И.А.Каримов мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш тўғрисида.
2. И.А.Каримов иқтисодий имкониятлар ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисида.
3. Интеллектуал мулк ва капиталнинг шаклланиши.
4. Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш.
5. Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш борасида давлат сиёсати.
6. Замонавий инновацион стратегиялар ва инновациялар маркетинги.
7. Инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларининг ўрни.
8. Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими. Инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.
9. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми.
10. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши.
11. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари.
12. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.
13. Инновация деганда нима тушунилади?
14. Инновацион ривожланишнинг мазмун ва моҳияти нимадан иборат?
15. Билимларга асосланган иқтисодиёт бошқа иқтисодиётлардан нимаси



билан фарқ қилади?

16. Инновацион жараённинг қанлай моделларини биласиз?

17. Интеллектуал мулк ва капитал деганда нима тушунилади ва улар қандай шаклланади?

18. Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳуқуқий муҳофазаси қандай таъминланади?

19. Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси деганда нимани тушунасиз?

20. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш борасида давлат сиёсатининг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Иборалар</b>	<b>Ўзбек тилидаги изоҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги изоҳи</b>
<b>Инновация</b>	Янги материаллар ва компонентлардан фойдаланиш, янги жараёнларни жорий этиш, янги бозорларни очиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишга асосланган барча янги комбинацияларнинг янгидан кўшилиши ва тижоратлашувидан иборат бўлган ишлаб чиқариш функциясининг тубдан алмашинувидир.	
<b>Инновацион ривожланиш</b>	Ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширадиган инновация, нау-хау ва барча янгиликларни излаш, тайёрлаш, тадбиқ этишнинг яхлит жараёни.	
<b>Ривожланиш-нинг инновацион типи</b>	Ижтимоий ишлаб чиқаришда янги илғор технологияларга урғу бериш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, микро ва макроиктисодий жараёнларда илғор ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш - технопарк, техно полис, кам энергия талаб этадиган технологиялардан фойдаланиш сиёсати, ишлаб чиқариш фаолиятини интеллектуаллаштириш, иқтисодиётни софтлаштириш ва сервислаштириш билан тавсифланади.	
<b>Миллий инновацион тизим</b>	Жамият томонидан истеъмол қилинадиган янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларнинг яратилишидаги янги билимларни ишлаб чиқишда, сақлашда, тарқатишда ва янги технологияларга айланишида қатнашадиган иқтисодий субъектлар ва ижтимоий институтларнинг (кадриятлар, меъёрлар, ҳуқуқларнинг) мураккаб тизими ҳисобланади .	
<b>Интеллект</b>	Инсоннинг ақлий қобилияти; ҳаётни, атроф муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажриба-ни қабул қилиш	

	қобилияти; турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати.	
<b>Интеллектуал мулк</b>	Ижодий аклий фаолият маҳсули. Ихтирочилик ва муаллифлик объекти ҳуқуқи мажмуига кирувчи, фан, адабиёт, санъат ва и.ч. соҳасида ижодий фаолиятнинг бошқа турлари, адабий, бадий, илмий асарлар, ижрочи актёрлик санъати, жумладан овоз ёзиш, радио, телевидение асарлари, кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари, саноат намуналари, компьютерлар учун дастурлар, маълумотлар базаси, ноу-хаунинг эксперт тизимлари, товар белгилари, фирма атамалари ва бошқа аклий мулк объектларига киради.	
<b>Интеллектуал мулк ҳуқуқи</b>	Интеллектуал (аклий) фаолият натижасига тегишли ҳуқуқ. Мулк эгаси ана шу интеллектуал мулк объектларидан ўз хоҳишига кўра, ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.	
<b>Илмий билиш</b>	Оламнинг, жумладан иқтисодий жараёнлар ва иқтисодий ҳодисалар, улар ўртасидаги боғланишларнинг ҳам, моҳиятларини тўғри тасаввур қилиш.	
<b>Ихтиро</b>	Халқ хўжалигининг турли соҳаларида, ижтимоий-маданий қурилиш ва мудофаа соҳаларида ижобий самара берадиган, ўзига хос техникавий ечимга эга бўлган янгилик.	
<b>Кашфиёт</b>	Изланиш, текшириш, илмий тадқиқот натижасида, баъзан эса тасодифан топилган, яратилган илмий янгилик.	
<b>Илмий билиш услубияти</b>	Иқтисодий жараёнлар ва иқтисодий ҳодисаларни илмий билиш тамойиллари, қонун-қоидалари, йўллари.	
<b>Патентшунос-лик</b>	Мустақил давлатлар жисмоний ва юридик шахсларининг интеллектуал мулк объектларини – илмий кашфиётлар, ихтиролар, санъат намуналари, селекция ютуқлари, ҳамда норматив техник талаблар	

	асосида давлат томонидан тасдиқ қилинган ҳужжатларга асосланган иш ва хизматларни ўрганадиган фан.	
<b>Интеллект</b>	Инсонларнинг ақли, онги, фикрлаш қобилиятини билдиради.	
<b>Интеллектуал фаолият</b>	Инсоният жамияти ривожланишининг асосий фаолияти бўлиб, унинг энг муҳим турлари – фан, санъат, ижод, халқ ва миллатларнинг цивилизация ривожланиши.	
<b>Интеллектуал мулк</b>	Инсониятнинг табиий интилиши натижасида яратган ижодий маҳсулотидан иқтисодий самара олишини ёки ундан фойдаланишни кўрсатади.	
<b>Муаллифлик ҳуқуқи</b>	Илмий, адабий, мусикий, бадий, фотография, аудиовизуал асарлар муаллифларига берилган ҳуқуқдир.	
<b>Лицензия</b>	Бу патент эгасининг бошқа шахслар билан алоҳида ҳуқуқларнинг бир қисмини сотиш бўйича тузган иқтисодий битим.	
<b>Патент</b>	Давлат номидан саноат мулки объектига бериладиган ва муайян ҳудудда ва муайян вақт оралиғида амал қиладиган муҳофаза ҳужжат.	
<b>Муаллиф</b>	Ижодий меҳнати билан асар яатан шахс.	
<b>Билимлар иқтисодиёти концепцияси</b>	Бунда инновацион жараёнлар, яъни билимларни ишлаб чиқариш, ўзлаштириш, тарқатиш ва амалий қўлланилиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи.	
<b>Фан-техника тараққиёти</b>	Фан ва техниканинг муттасил равишда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишидир.	

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 11 февралдаги (ПП-2298) “ўтган-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. ПФ-2613-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.04.ўтган

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони / Халқ сўзи, ҳисобот йил, 19 март

### II. Махсус адабиётлар.

1. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.

2. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582).

3. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bcpbookshop.co.uk](http://www.bcpbookshop.co.uk).

4. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 155. [info@idrc.ca](mailto:info@idrc.ca)/[www.idrc.ca](http://www.idrc.ca).

5. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management
6. Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.
7. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.
8. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.
9. Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.
10. Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.
11. Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation and Economic Development. UK, 2011, English.
12. Акрамова Ш. Билимларга асосланган иқтисодий таълимнинг ўрни. Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы: Монография / Под.ред. академика Р, Убайдуллаевой. - Т.: 2012. С.207
13. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011
14. Конвенция, учреждающая Всемирную организацию интеллектуальной собственности [ВОИС];
15. Парижская Конвенция по охране промышленной собственности;
16. Бернская конвенция об охране литературных и художественных произведений;
17. Международная конвенция по охране новых сортов растений [UPOV];
18. Договор о законах по товарным знакам (TLT);
19. Договор о патентном праве (PLT);
20. Договор о патентной кооперации [PCT];
21. Будапештский договор о международном признании депонирования микроорганизмов для целей патентной процедуры;
22. Протокол к Мадридскому Соглашению о международной регистрации знаков;
23. Ницкое соглашение о Международной классификации товаров и услуг для регистрации знаков;
24. Страсбургское соглашение о Международной патентной классификации;

### III. Интернет ресурслар

1. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)
2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
4. [www.stability.uz](http://www.stability.uz)
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); ^  
London School of Economics ([t.e.kemeny@lse.ac.uk](mailto:t.e.kemeny@lse.ac.uk));
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)